VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

22 (394) ● 2016 йил 8 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Депутатлик сўрови натижасида Жиззах туманида аҳолини ўйлантираётган долзарб масалалар ўз вақтида ҳал этилди

Тошкент вилоятида 14 мингга яқин Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси бор

Бугунги кунда Ер юзида 6 минг 912 тил мавжуд, айни пайтда 400 тадан зиёд тил бутунлай йўқолиб кетиш арафасида

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Муносабат

Эзгу ислоҳотлар рўёби

Ўтаётган ҳар бир кун бизни энг улуғ ва энг азиз айём — Ватанимиз истиқлолга эришган қутлуғ сананинг 25 йиллигига тобора яқинлаштирмоқда. Юртимизда байрам шукуҳи кезиб юрган айни кунларда юртдошларимиз чеҳрасида байрамона кайфият ҳукмрон.

Мустақиллик байрамини юртимиздаги ҳар бир инсон катта хурсандчилик билан кутиб олиши бежиз эмас. Чунки айнан истиқлол халқимизга эркинлик ва озод ҳаётни ҳадя қилди, ўзлигимиз, шаънимиз, миллий ғуруримиз, қадр-қимматимиз, муқаддас динимиз, қадрият ва урф-одатларимизни қайта тиклади. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган стандартлари ва нормаларига тўла мос келадиган давлат бошқаруви ва ҳуқуқий тизим ташкил этилди, миллий иқтисодиётнинг самарали механизмига асос солиниб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатлари яратилди. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамлик, бугунги обод ва фаровон турмушимиз ҳам мустақиллик туфайлидир.

Президент Ислом Каримовнинг шу йил 2 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори яна бир бор муқаддас неъмат — мустақилликнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлашга қаратилган энг муҳим йўналишларни белгилаб берди.

Ўзбекистон эришган ва дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ҳамда марралар, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошаётгани, жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътибори тобора юксалиб бораётгани юртимиз иқтисодиёти ривожи билан бевосита боғлиқ.

> 2-бет.

Фракция фаолияти

Истиқлол қадр-қимматини

теран идрок этиш — бош вазифа

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашда партия фракцияси олдида турган муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Истиқлол бизга, аввало, инсон сифатида ўз қадримизни англаш имконини берди. Ватанимиз истиқлолга эришган дастлабки йилларда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш" экани борасидаги таъкиди ҳаётимизда ўз аксини топди.

Ўтган йилларда мамлакатимизда эркин демократик давлат, инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун турадиган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида тарихий қадамлар ташланди. "Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун!" тамойили жамиятимизнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотларнинг бош ғояси, асосий мақсадига айланди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон дунёга, дунё эса Ўзбекистонга юз очди.

Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгалламоқда, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини жадал тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётир. Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда катта қизиқиш ва эътирофларга сазовор бўлаётган тараққиёт йўли, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, фаровон турмуши истиқлол инъом этган имкониятлар, оқилона сиёсат натижаси эканлиги тан олинмоқда.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

Сайлов демократик тамойиллар асосида ўтмоқда

> 4-бет.

Версаль — салобатли ва улуғвор сарой

> 7-бет.

Болалар шод, катталар мамнун

Ўзбекистон қўғирчоқ театрларининг X анъанавий республика кўрик-фестивали вилоят қўғирчоқ театрининг янги биноси очилишига уланиб кетди

> 8-бет.

Миллий ғурур

Маънан етук инсон эл-юрт корига ярайди

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш йўлида яратилаётган кенг шароит ва имкониятлар уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Минглаб йигит-қизларнинг таълим, илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда мамлакатимиз ҳамда жаҳон миқёсида улкан ютуқларни қўлга киритаётгани уларнинг келажакка ишончи мустаҳкамлигидан, жамиятимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганидан далолатдир.

> 6-бет.

Интервью

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни изчил давом этмоқда. Бунда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жумладан, сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этаётир. Партиянинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, шубҳасиз, уларнинг ҳудудлардаги ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Ана шу мезон ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотларидан ишга янгича ёндашувни, аҳоли ишончини қозониш ва электорат манфаатларини муносиб ҳимоя қилишни талаб этади. ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд НАЗАРОВ билан шу хусусда суҳбатлашдик.

Тошкент вилояти:

Ўзаро ҳамкорлик, истиқболли режалар

партиямиз нуфузини ошириш, аҳоли ишончини қозониш ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилаётир

— Ташкил этилаётган ҳар бир тадбир, лойиҳа ва фестивалда партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Бу эса бевосита аъзоларимиз сафи кенгайишида муҳим омил бўлаётир. Бугун вилоятимизда 14 мингга яқин ЎзМТДП аъзоси бор.

> 3-бет.

Депутат сўров киритди

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини сақлаш

ишига ЎзМТДП гуруҳлари муносиб ҳисса қўшмоқда

Юртимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, кенг имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Шу боис тадбиркорлар фаолияти, аҳолига кўрсатаётган хизматлари сони тобора кенгайиб бормоқда.

Албатта, ҳар бир тадбиркорнинг асосий мақсади — соҳа ривожига ҳисса қўшиш ва даромад топишдир. Аммо, фақат даромадни ўйлаб, ўзгалар соғлиғи ва атроф-муҳит муҳофазасини эътибордан соқит қилмаслик керак. Хусусан, умумий овқатланиш шохобчаларидаги санитария меъёрлари, гигиена қоидаларига риоя қилиниши аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг муҳим шарти саналади. Бироқ орамизда ана шундай талабларга риоя қилмаётган айрим "тадбиркорлар" ҳам, афсуски, учрамоқда.

> 4-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
22 (394) 2016 йил 8 июнь, чоршанба

Фракция фаолияти

Истиқлол қадр-қимматини

теран идрок этиш — бош вазифа

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Айни кунларда халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида янги даврни бошлаб берган ушбу тарихий санани кенг нишонлаш учун қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Мазкур жараёнда Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясининг фаол иштирокини таъминлаш йиғилиш кун тартибидаги асосий масала бўлди. Йиғилишни фракция раҳбари Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

— Мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятларни очиб берди, — деди фракция раҳбари. — Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон барча соҳа ва тармоқларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришиб, юксак марраларни қўлга киритди. Бутун дунёда "ўзбек модели" дея эътироф этилаётган ўзига хос тараққиёт йўлимиз улкан натижаларимизга мустаҳкам замин бўлаётир. Мамлакатимизнинг қудрати мустаҳкамланиб, иқтисодий салоҳияти тобора ортиб бормоқда. Биргина ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигидан, танлаган йўлимиз ҳаётийлигидан далолатдир. Иқтисодий барқарорлик аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб боришига, юртимиздаги тинчлик-осойишталик фуқароларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб, шукроналик ҳисси билан яшашига хизмат қилаётир. Бу йил мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйи кенг нишонланади. Халқимиз бу кунни янги муваффақиятлар ва янги умидлар билан кутиб олмоқда. Жорий йилнинг 2 июнида давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бу айёмга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Мазкур жараёнда ЎзМТДП фракцияси ҳам партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этади.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари мустақиллик йилларида бошланган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, истиқлол ғояси ва миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш каби хайрли ишлар изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттирилаётганини таъкидладилар. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар партиянинг дастурий мақсад-вазифалари билан уйғун ва ҳамоҳанг эканлиги қайд этилиб, бу жараёнларда депутатлар фаол иштирок этиши лозимлиги таъкидланди. Бинобарин, партиянинг бош мақсади ҳисобланган миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ҳаётининг барча соҳасида миллий манфаатларни ҳимоялаш ва илгари суриш, миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимиз, Ўзбекистон халқининг урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ҳамда кўпайтириш сингари вазифаларни амалга оширишда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этаётгани эътироф этилди.

Фракция аъзолари бу йилги байрам шодиёналари **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** эзгу ғоясини мужассам этишига алоҳида эътибор қаратдилар. Мазкур эзгу ғоянинг мазмун-моҳияти барча юртдошларимиз онгу шуурига етиб бориши керак. Бу мустақиллик байрамининг ҳар томонлама кўтаринкилик руҳида нишонланишида катта аҳамият касб этади. Йиғилишда мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини, ўтган даврда босиб ўтилган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўл, қўлга киритган кенг кўламли ютуқларимиз туб моҳиятини ёшларга етказишда таъсирчан услуб ва воситалардан фойдаланиш юзасидан мулоҳазалар билдирилди. Ана шу мавзуларда давра суҳбатлари, маданий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилди.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялардан келиб чиққан ҳолда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ишчи гуруҳ ташкил этилиб, чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Шундан сўнг фракция аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Мазкур қонун лойиҳасига кўра, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Бу ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти етим болаларни фарзандликка олишда юзага келадиган айрим муаммоларнинг қонуний ечимини топиш ва уларни асраб олиш тартибини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш, бу борадаги айрим ноаниқликларга барҳам беришга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

— Мазкур қонун лойиҳасида кўзда тутилган нормалар партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар билан ҳамоҳанг эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим, — деди **ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Жумабоев.** — Хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси халқимизнинг маънавияти ривожи ва жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мурувват, меҳр-оқибат, бағрикенглик, яхшилик ва саховатпешалик каби миллий хусусиятларимиз, болаларнинг руҳий-маънавий дунёсини ва маданий савиясини ўстириб боришга кўмаклашишни устувор мақсадларидан бири деб билади. Ушбу қонун лойиҳасида кўзда тутилаётган масалалар дастурий вазифаларимизни амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар, амалий таклиф ва тавсиялар бериб, уни иккинчи ўқишда маъқулладилар.

Фракция йиғилишида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нодиржон МУХТОРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш, босиб ўтган машаққатли ва шарафли йўлимиз, улкан ютуқларимизнинг аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамамоатчилигига етказишда муҳим дастуриламалдир.

Бугунги йиғилишда мазкур қарор ижросини таъминлашда фракциямиз иштирокини кучайтириш масаласи қизғин муҳокама қилинди. Зеро, миллий мустақилликни мустаҳкамлашга кўмаклашишни мақсад қилган партиямиз ҳамда депутатлик бирлашмалари ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда истиқлол берган имкониятларни кенг тарғиб-ташвиқ этишда янада фаоллик кўрсатиши талаб этилади. Мазкур йўналишда қилиниши зарур бўлган ишлар, аҳоли ва ёшлар билан ишлашда эътибор қаратилиши лозим жиҳатлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Давра суҳбати

Умуминсоний қадриятлар куйчиси

Мамлакатимизда миллий ва жаҳон адабиётининг етук намоёндалари таваллуд саналарини кенг нишонлаш, китобхонлик байрамлари, адиб ва шоирлар билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Бу ёш авлоднинг адабиётга бўлган ҳавасини кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этади. ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланганидек, навқирон авлод вакилларини юксак маънавиятли, кенг дунёқараш эгаси этиб тарбиялаш устувор вазифа саналади.

Уларнинг адабиётга бўлган қизиқишини ошириш, нафақат миллий адабиётимиз, балки жаҳон адабиётининг ёрқин намоёндалари ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таништириш партия мақсад-вазифалари рўёбида муҳим аҳамиятга эга. Партия Марказий кенгаши ва фракцияси ҳамкорлигида Ўзбекистон ва Россия халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқалар ўрнатилишида А.С.Пушкин ижодининг аҳамиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда адабиётнинг халқлар ўртасидаги дўстликни таъминлаш ва ёшлар маънавий тарбиясидаги ўрни ҳақида сўз борди.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари ва Рус миллий маданият маркази вакиллари, адабиётшунос олимлар, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Халқлар ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда Пушкин сингари буюк ижодкорларнинг ўрни ниҳоятда муҳим, — деди давра суҳбатида ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Чунки бу ижодкорнинг асарларида меҳр-оқибат, инсонийлик, бағрикенглик, олижаноблик, миллатлараро тотувлик каби умуминсоний қадриятлар тараннум этилган. Ёшларни ана шундай қадриятлар руҳида тарбиялаш ЎзМТДПнинг ҳам устувор вазифасидир.

Давра суҳбатида кўп бор таъкидланганидек, Пушкин шеърларидаги самимият, миллий руҳ унинг асарларини бутун дунё бўйлаб кенг тарқалишида муҳим омил бўлган. Унинг шеърлари қайси тилга таржима қилинмасин, худди ўша тилда ёзилгандек, ўз жозибасини йўқотмайди. Шу боис Пушкин ижоди нафақат рус халқи, балки бутун башариятнинг маънавий бойлигидир.

— Пушкин ижоди ўзбек ижодкор ва таржимонларини ҳам бефарқ қолдирмаган, — деди Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Гўзал Эгамбердиева. — Чўлпон, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Асқад Мухтор каби ўзбек назмининг забардаст вакиллари унинг шеър ва достонларини она тилимизга ўгирган ва бу таржималар ўзбек адабиёти ихлосмандлари қалбидан чуқур жой олган. Бу бежиз эмас. Чунки Пушкин ижодида қадимги шарқ халқлари афсона ва ривоятларининг таъсири катта.

Давра суҳбатида эътироф этилганидек, буюк рус шоирининг асарларида ростгўйлик, ҳалоллик, эзгулик, Ватанга, халққа чексиз муҳаббат туйғулари улуғланади. Бу, айниқса, "Боғчасарой фонтани", "Евгений Онегин" достонларида яққол намоён бўлган.

— Жаҳон адабиётида Пушкин мероси муҳим ўринни эгаллайди, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Ҳамроев. — Шоир асарларидаги шарқона фалсафа унинг шарқ халқлари ҳаёти, хусусан, адабиёти билан яқиндан таниш бўлганидан гувоҳлик беради. Унинг ижодидаги айни шу хусусият Пушкин асарларини ўзбек китобхонига яқинлаштирди. Биргина "Балиқчи чол ва олтин балиқ ҳақида эртак" ни олайлик. Эртакдаги тилла балиқ шарқ эртакларининг ҳам энг муҳим образи. Мазкур образ Ғарб адабиётига Пушкин орқали кириб борган.

Давра суҳбатида шоир ижодидаги ўзига хослик, унинг ўзбек ва рус халқларининг маданий алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди, талабалар Пушкин шеърларидан парчалар ўқиди.

Ҳасан ФАРМОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Муносабат

Эзгу ислоҳотлар рўёби

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бинобарин, сўнгги 25 йилда иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошгани, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларимизнинг амалий самарасини кўрсатади. Буни, шунингдек, 2015 йилда бюджет даромадларида катта салоҳиятга эга қўшилган қиймат солиғидан тушумларнинг 70,2 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар ҳисобидан шаклланганлиги иқтисодиётнинг экспорт салоҳияти юксалганини ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш янада ортганлигида ҳам кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоиз, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, истеъмол бозорларини ҳимоя қилиш, уларни ўзимизда ишлаб чиқарилган арзон, сифатли ва харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш каби мақсад-вазифаларимиз босқичма-босқич рўёбга чиқмоқда. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остидаги маҳсулотни жаҳон бозорига чиқаришга, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқараётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир тизимли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бунинг амалий ифодасини мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бу кўрсаткичларга, энг аввало, ички ривожланиш манбаларига таяниб, ўз кучимизга ишониб ҳаракат қилганимиз, миллий манфаатларни ҳисобга олиб иқтисодиётнинг реал секторига чет эл инвестицияларини жалб этиш борасида тизимли ишларни жорий этишга қаратилган сиёсат олиб борилиши туфайли эришдик. Зеро, собиқ тузум даврида юртимиз фақат пахта етиштиришга ихтисослаштирилган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган аграр республика эди. Мамлакатимиз ун, гўшт, ёғ, сут, картошка, тухум, шакар каби асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳатто, оддий ош тузини ҳам четдан олиб келишга мажбур эди. Ўзбекистон киши бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот бўйича собиқ иттифоқда 12-ўринда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан энг охирги ўринларда турарди. Давлатимиз раҳбарининг чуқур ўйланган, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширган оқилона иқтисодий сиёсати халқимизни ана шундай инқироздан беталафот олиб ўтди. Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакллари, бозор муносабатлари жорий этилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилди. Одамларнинг ерга, меҳнатга муносабати ўзгарди.

Президентимиз 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш вазифасини белгилаб берди. Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига қарамасдан, бундай аниқ мақсаднинг қатъият билан қўйилиши ва мақсад сари дадил илгарилаб боришимиз учун барча асос етарли. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, иқтисодиётимизга бундай куч-қудрат бағишлаш, уни юксалтириш натижасида, 2030 йилга бориб, янги турдаги товарларни ўзлаштириш асосида нефть-газ кимё соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 баробар, рангли металл маҳсулотлари 2,2 марта, қора металлдан тайёрланадиган буюмлар 2,3 карра, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитлар 3,2 баробар кўпайиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик шарофати билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти кенг намоён бўлаётгани, истиқлол берган беқиёс имкониятлар туфайли эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этаётганимиз эришилаётган бундай ютуқларнинг асосий омили бўлмоқда. Халқимизнинг эртанги кунга, танлаган йўлимизнинг тўғри эканига қатъий ишончи ва бу йўлдаги собитқадамлиги юксак марраларни забт этиш имконини бераётир. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** шиори остида ўтказилаётган кўплаб учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида ЎзМТДП фракцияси ва партия гуруҳларимиз халқимизга, айниқса, ёшларимизга ана шу ҳаёт ҳақиқатини чуқурроқ англатишга алоҳида эътибор қаратади.

Алишер ҚОДИРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Ёшлар — эртанги кунимизнинг

таянчи ва суянчи

Истиқлол шарофати билан тарихан қисқа даврда Ўзбекистон иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланиб, мамлакатимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти ҳар жиҳатдан юксалиб бораётир. Буни ижтимоий соҳалар, хусусан, таълимдаги ютуқларимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ва энг муҳими, олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли одамларимизнинг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй бераётир, уларнинг ён-атрофдаги ва дунёдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ватандошларимиз хурсандчилигини янада оширди. Бу оддий сана, оддий байрам эмас, бу халқимизга ўзлигини қайтариб берган, миллий ғуруримизни тоғдай ўстирган, миллий давлатчилигимиз пойдевори қўйилган кун. Бундан 25 йил олдин қўлга киритилган улуғ неъмат — мустақиллик туфайли миллий давлатчилигимиз тикланди, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгалладик, чуқур ўйланган, ўзимизга хос тараққиёт стратегиясини амалга ошириб, оламшумул натижаларни, дунё ҳайратию ҳавасига сабаб бўлаётган ютуқларни қўлга киритдик.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб келажагимиз эгалари бўлган ёшларга доимий эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз ҳар бир чиқишида ёшларга мурожаат қилиб, уларга катта ишонч билдиради, юрт тақдири учун масъулиятли, ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишишга даъват этади. Мазкур қарорда қайд этилганидек: **"Энг муҳими, эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш ёш авлодимизнинг янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни шундай ёшларни, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи куч сифатида тайёрлашни ўзимизнинг устувор вазифамиз деб кун тартибига қўйганимиз вақт ўтиши билан нақадар узоқни кўзлаган тарихий қадам бўлгани тобора аён бўлмоқда".**

Дарҳақиқат, ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган давлат сиёсати натижасида юксак салоҳиятли ёшлар майдонга чиқиб келаётир. Биргина спортга қаратилаётган эътибор натижасида сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етди. Бунинг учун юртимизнинг барча ҳудудида қулай шарт-шароитлар, имкониятлар яратилган. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва туманларда 225 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилгани, уларга қамраб олинган болалар ва ўсмирлар сони йилдан-йилга ошиб бораётгани қувонарли ҳол. Уч босқичли спорт мусобақалари натижасида кўплаб иқтидорли ёшлар кашф этилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, яқинда вилоятимизда бўлиб ўтган "Универсиада — 2016" спорт мусобақасининг республика финал босқичи том маънода ёшлар анжумани, ёшлик байрамига айланди. Ушбу мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Фарғона шаҳридаги бир қатор объектлар замонавий талаблар асосида таъмирланди. Жумладан, Фарғона давлат университети, политехника институти спорт мажмуалари, "Истиқлол" стадиони, теннис мажмуаси, олимпия захиралари коллежи, футбол мактаби, вилоят якка кураш спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби янада кўркам ва замонавий кўринишга келтирилди. Вилоятимизда ёшлар, болалар ва ўсмирларни спортга кенг жалб этиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, спортнинг 15 тури бўйича ўтказилган "Универсиада — 2016" спорт мусобақаларида 79 нафар спортчимиз муносиб иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

Истиқлол имкониятлари эвазига қўлга киритилаётган бу каби ютуқ ва марраларимиз бардавом, ёшларимизнинг мувафаққиятларини ҳали кўплар эътироф этади, истеъдодига, маҳоратига тан беради. Энг муҳими, бугунги ёш авлод истиқлол ғоялари руҳида юксак маънавиятли бўлиб улғаяётгани Ватанимиз келажаги пойдевори мустаҳкамлигини ўзида ифодалайди. Бугун мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон, айниқса, ёш авлод бу неъматларнинг қадрига етиши, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Мазкур жараёнларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган биз депутатлар ҳам партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этишга интиламиз. Айниқса, **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** шиори остида нишонланадиган бу йилги байрам шодиёналарида, унга тайёргарлик кўриш ишларида фаоллик кўрсатишимиз, босиб ўтган шонли ва шарафли йўлимиз, улкан ютуқларимизнинг аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш борасидаги эзгу ишларга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим бўлади.

Собирхўжа САИДХЎЖАЕВ,
Фарғона вилояти болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Интервью

Тошкент вилояти:

Ўзаро ҳамкорлик, истиқболли режалар

партиямиз нуфузини ошириш, аҳоли ишончини қозониш ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилаётир

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Моддий ва номоддий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ота-боболаримизнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва уларга муносиб авлод бўлиб вояга етиш ғояси тадбирларимизнинг бош мавзусига айланган. Хусусан, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Биз буюк аждодларнинг авлодларимиз" мавзусидаги тадбирларда бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Навқирон авлодни жисмонан соғлом ва юксак маънавиятли этиб тарбиялаш, уларда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини юксалтириш, шунингдек, ёшларнинг турли экстремистик ғоялар, "оммавий маданият"нинг салбий таъсирига тушиб қолишининг олдини олишда бундай тадбирларнинг аҳамияти катта.

"Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик" шиори остидаги ёшлар форуми ҳам навқирон авлод вакиллари дунёқарашини кенгайтириш, билим-кўникмасини оширишга қаратилган. Мазкур тадбир яқин ўтмиш билан бугунги кунни қиёслаш орқали мустақиллигимизнинг аҳамиятини янада теран ҳис этиш, юрт тақдирига дахлдорлик ва Ватанга муҳаббат туйғусини юксалтириши билан барчада катта таассурот қолдирди. Форумда тарихимизни кенг миқёсда изчил ўрганишни таъминлаш, уни бузиб, сохталаштириб талқин этишга нисбатан қарши курашиш, кенг халқаро жамоатчилик диққат-эътиборига Ўзбекистон тарихига доир ҳақиқатларни етказиш, уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, қамол топиб келаётган авлод онг-шуурида китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш каби дастурий мақсад-вазифалар мазмун-моҳияти кенг тарғиб қилинаётир. Анъанавий тарзда ўтказилаётган мазкур форум ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга чексиз ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

— ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши ёшларни партия ғояларига қизиқтириш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида яна қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Вилоятимизда партия аъзоларининг 7,5 мингга яқинини ёшлар ташкил этади. Шу боис, ёшларни ватанпарвар, миллий қадриятларга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларда дунё тамаддунига ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшган ота-боболаримиз илмий ва ижодий меросига катта қизиқиш уйғотиш мақсадида қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этяпмиз. "Туризм ва ёшлар" лойиҳаси доирасида вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, мустақиллик йилларида барпо этилган маданий, ижтимоий иншоотларда ёшлар акцияси ўтказиб келинмоқда. Бу тадбир ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш, ижтимоий-сиёсий билим-савиясини юксалтиришга хизмат қилаётир. "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" кўрик-танлови ҳам юзлаб янги номларни кашф этди. "Аждодларга муносиб авлодмиз" шиори остида ўтказиб келинаётган танловнинг бу йилги босқичи вилоятимизнинг 18 туман ва шаҳрида юқори савияда бўлиб ўтди. Ушбу танлов партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёшларни мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жараёнлар билан таништириб бориш, уларнинг ўз истеъдодини намоён этишга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ёшларни турли ғоявий хуружлардан асраш, уларда маънавий иммунитетни шакллантириш, ҳуқуқий маданиятини мустаҳкамлаш энг устувор вазифалардан бирига айланди. Зеро, ҳуқуқини яхши билган, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан мустақил фикрига эга инсонни ҳеч ким тўғри йўлдан адаштира олмайди. Ана шу мақсадда ўқув муассасаларида "Оммавий маданият"нинг салбий оқибатлари", "Биз ёшлар "оммавий маданият"га қаршимиз!", "Миллий қадриятлар — миллий юксалиш гарови", "Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ёшларда Интернет маданиятини шакллантиришнинг долзарб вазифалари" каби мавзуда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Унда ёшларни глобал тармоқдаги бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш, Интернет маданиятини шакллантириш, ҳаётга теран қарайдиган маънан етук, баркамол авлодни тарбиялаш масалалари муҳокама қилинмоқда. Жорий йилда бу каби тадбирларни маъно-мазмун жиҳатдан янада бойитиш, тадбирларга соҳа мутахассислари, санъат ва адабиётимизнинг етакчи вакилларини кенг жалб этиш, ёшлар қизиқишларидан келиб чиқиб мавзу танлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Давлатимиз раҳбари жорий йилни Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиши партия вилоят ташкилоти зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Шу боис, йил бошида ёшлар, айниқса, қизларни спортга кенг жалб этиш соғлом авлод тарбиясида муҳим эканини эътиборга олиб, бадиий гимнастика бўйича "Нафосат маликалари" беллашувини ташкил этишни режалаштирган эдик. Бугунги кунда вилоятимиздаги партия маҳаллий ташкилотларида ана шу беллашувнинг шаҳар ва туман босқичлари ўтказилмоқда. Мазкур тадбирни қизлар орасида янада оммалаштириш ниятидамиз. Зеро, спорт қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга уларнинг дунёқарашини кенгайтиради.

— ЎзМТДП сайловолди платформасида белгиланган дастурий мақсад-вазифаларни ижро этишда партия ташкилотлари ва гуруҳлари ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади, шундай эмасми?

— Партия фаолиятининг муҳим жиҳати бўлган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш — давр талаби. Барча шаҳар ва туманларда фаолият юритаётган 75 депутат ва вилоят Кенгашидаги партия гуруҳимизнинг 6 аъзоси йил давомида амалга оширган ишлари бўйича сайловчилар ва партия фаол-

лари олдида ҳисобот бериб боради. Асосий эътибор депутатларнинг ўз сайловчилари олдидаги масъулиятини ошириш, партия гуруҳлари фаолиятини режали ташкил этишга қаратилмоқда. Натижада депутат сўровлари ва маҳаллий Кенгашлар сессияларига олиб кирилган ташаббус-масалалар сони ошди. Ўтган бир чоракда доимий комиссия йиғилишларига 5 масала, 170 га яқин депутатлик сўрови амалга оширилгани фикримиз далилидир. Бу йил ҳам партия гуруҳлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш каби масалаларда сайловчилар билан давра суҳбатлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратишни режалаштирганмиз. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ҳамда партиявий ишларни ташкил этишда партия органлари ва депутатларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур. Шу боис, партия вилоят ташкилоти ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи билан жорий йилга мўлжалланган ҳамкорлик режасида "Аҳолининг маънавий юксалишида ахборот-ресурс марказлари, маданият муассасалари ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг аҳволи тўғрисида" мутасадди ташкилотларнинг ахборотини эшитиш ҳамда 2016 йил — "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг туман ва шаҳарлардаги ижросини ўрганишга қаратилган тадбирлар ўрин олган. Шунингдек, Давлат дастури доирасида вилоятда театр кунлари ташкил этилади. "Фуқаролик жамияти шаклланишида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб вазифалари", "Соғлом она ва бола ҳимояси — давлат ва жамиятнинг устувор вазифаси", "Репродуктив саломатлик — давлат дастурининг асосий мезони", "Соғлом она — соғлом келажак демақдир" шиори остида учрашувлар ўтказилади. Келгусида режалаштирилаётган "Маърифат ва эзгулик элчилари" мавзусидаги давра суҳбати ва маънавий-маърифий тадбирлар ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Шунингдек, таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказларидан фойдаланиш аҳволи, "Таълим тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилатикаси тўғрисида"ги қонунлар, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари ижросини ўрганиш каби ўнлаб масалаларда ҳамкорлик қилишни режалаштирганмиз. Бу иш фаолиятимиз самарадорлигини янада ошириш ва сифат жиҳатдан яхшилашга кўмаклашади.

Фаолият факт ва рақамларда:

- *Тошкент вилоятида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 14 мингга яқин аъзоси бор.*
- *Партия аъзоларининг 7,5 мингга яқинини ёшлар ташкил этади.*
- *Халқ депутатлари Тошкент вилоят ва туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ўтган бир чорак мобайнида доимий комиссия йиғилишларига 5 масала олиб чиқиб, 170 га яқин депутатлик сўровини амалга оширди.*
- *Тошкент вилоятида ЎзМТДПнинг 364 қуйи бўғини фаолият кўрсатмоқда.*

Партия аралашгач...

Мурожаатлар эътиборсиз қолмайди

бу партия ташкилотлари ва депутатлар ишини янада фаоллаштириш, уларнинг жамиятдаги ролини оширишга хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида инсон манфаатлари, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, хусусан, мурожаатлар билан ишлаш ва уларга ечим топиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ЎзМТДП ҳудудий кенгашлари электорат манфаатларига дахлдор муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этишда фаол иштирок этмоқда. Зеро, партия сайловолди платформасида аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш, қўшимча иш ўринларини яратиш устувор вазифа этиб белгиланган. Бу партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари олдига бир қатор вазифаларни қўяди.

— Туманимиздаги 3-умумтаълим мактабида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришда айрим камчиликлар мавжуд эди, — дейди Бекобод туман "Маърифат" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Карима Тожибоева. — Бу борада мутасадди идораларга бир неча бор мурожаат қилдик. Лекин аниқ натижа бўлмагач, ЎзМТДП туман кенгашига бордик. Партия туман кенгаши ҳудудимиздан сайланган депутат Муҳаммад Сангинов билан ҳамкорликда масалани ижобий ҳал қилди. Мактабда Бекобод шаҳар молия бўлими ажратган 125 миллион сўм эвазига локал иситиш тизими ишга тушди...

Бу каби мурожаатлар аҳолининг дунёқараши, сиёсий-ҳуқуқий савияси юксалаётганидан далолат беради. Қолаверса, бу ижобий ҳолат. Чунки унинг маҳаллий Кенгашга ўзи сайлаган вакилдан ёрдам сўраши, биринчидан, депутатга сайловолди ваъдасини эслатади, иккинчидан, унинг ўз ишига бўлган масъулиятини янада оширади. Депутат ўзининг амалий саъй-ҳаракати натижасида сайловчи кўнглига йўл топади. Бу эса кейинги сайлов натижаларига ижобий таъсир кўрсатиши аниқ.

— Халқ депутатлари Бўстонлиқ туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Фатхулла Аҳмедов сайловолди дастурида ички йўлларни таъмирлашга кўмаклашишни ваъда қилган эди, — дейди сайловчи Абдужаббор Мансуров. — Биз номзоднинг ана шундай аниқ ва ҳаётий таклифлари учун овоз берган эдик. Шу боис, ҳеч иккиланмасдан депутатга ҳудудимиздаги 22-умумий ўрта таълим мактабига олиб борувчи йўлни таъмирлашда ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Ф.Аҳмедов мазкур масала юзасидан мутасадди идораларга депутатлик сўрови юборди. Ушбу депутатлик сўрови бўйича йўлга асфальт ётқизилди, пиёдалар ўтиш жойи белгиланди, зарур йўл белгилари ўрнатилди.

Фуқаролардан тушаётган мурожаат ва маҳаллий ҳокимият органларига юборилаётган депутатлик сўровларининг аксарияти шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда ҳудудлар бўйича айрим номутаносибликлар билан боғлиқ масалаларга қаратилмоқда.

Чинозлик бир гуруҳ ёшларнинг партия туман кенгашига йўллаган мурожаатида ҳам айни шу масалага эътибор қаратилган.

— Фуқаролардан тушган мурожаатлар ўрганиб чиқилиб, уларни ҳал этиш борасида барча чора-тадбирлар кўрилмоқда, — дейди партия туман кенгаши раиси Шаҳбоз Низомиддинов. — Масалан, Чиноз тумани "Олмазор" шаҳарча фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда фуқаролар шаҳарча марказидаги чорраҳада светафорнинг йўқлиги сабабли кўплаб йўл-транспорт ҳодисалари рўй бераётганини айтган эди. Шундан кейин биз бу масалани атрофлича ўрганиб чиқдик ва уни ҳал этиш бўйича ЎзМТДПдан халқ депутатлари Чиноз туман Кенгашига сайланган депутат Машҳура Абдураҳмоновага мутасадди идораларга депутатлик сўрови юбориш бўйича таклиф бердик. Депутатнинг Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармасига юборган сўрови натижасида чинозликларни анчадан буён ўйлантириб келаётган бу масалага ечим топилди. Бундан ташқари, ўша учрашувдан сўнг туман марказидаги деҳқон бозори атрофида чиқиндилар йиғилиб қолаётгани ҳақидаги мурожаат ҳам ижобий ҳал этилди.

Кўриниб турганидек, депутатларнинг фуқаролар мурожаатлари асосида маҳаллий масалаларни ҳал этаётгани ҳам аҳоли турмуш даражасини яхшилашга, ҳам ҳудудларни ободонлаштиришга хизмат қилаётир. Ўз навбатида, бунда аҳоли ҳам фаол иштирок этмоқда, яъни йўлларни асраб-авайлаш, кўчаларни тоза сақлаш, дарахт ва гул кўчатлари экиб ўзлари истиқомат қилаётган ҳудуднинг янада обод бўлишига ҳисса қўшмоқда.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Ҳасан САЛОМОВ тайёрлади.

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Инсон қалбига йўл

қуйи бўғин аъзолари сафининг кенгайишида муҳим омилдир

Партия Марказий кенгаши бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, қуйи бўғин етакчиларининг сиёсий-ҳуқуқий билим-кўникмасини ошириш, уларга партия тадбирлари ва лойиҳалари аҳамиятини янада кенгроқ тушунтиришга бағишланган қатор ўқув-семинарлар ташкил этмоқда. Бу тадбирлар, ўз навбатида, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига янгича ва замонавий усулларни жорий этиш, улар сони ва сафининг кенгайишига хизмат қилаётир.

Буни Ўрта Чирчиқ туманидаги "Зебунисо" фирмаси қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти фаолияти мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин. Мазкур БПТ таъсирчан тадбирлар ўтказаётгани, партия ғояларини кенг тарғиб қилиши, электорат билан доимий мулоқотни йўлга қўйиши натижасида аъзолари сафини кенгайтириб бормоқда. Айни пайтда унинг 32 аъзоси бор.

— Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ҳудудимиздаги мактаб ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада яхшилаш, фарзандларимизнинг билим олиши учун кенг имконият яратиб бериш, мактаб кутубхонаси фондини бойитиш каби масалаларда тумандаги мутасадди ташкилотлар ва аҳоли билан тез-тез учрашувлар ташкил этамиз, — дейди қуйи бўғин етакчиси, халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат З. Бекназарова. — Учрашувларда сайловчиларимиз мавжуд камчиликларни ҳал этиш бўйича ўзларининг аниқ таклиф-мулоҳазаларини билдиради. Ҳудудий масалаларни ечишда аҳоли билан ёнма-ён туриб ҳамкорлик қилаётганимиз аъзоларимиз сафининг кенгайишида муҳим омил бўлаётир. Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига олиб чиқилган ташаббус-масала ҳам ана шундай учрашувларда билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида шакллланган.

Қуйи бўғин аъзолари партиянинг ҳар томонлама соғлом фарзандларни вояга етказиш, фаол, ташаббускор ва изланувчан ёшларни тарбиялашга қаратилган лойиҳаларида ҳам фаол иштирок этаётир. Хусусан, қуйи бўғин аъзоси Шоҳсанам Шерова жорий йил бўлиб ўтган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг туман босқичида ғолибликни қўлга киритди.

— Танловда иштирок этиб, партиянинг хотин-қизлар фаоллигини ошириш йўналишидаги мақсад-вазифалари мазмун-моҳиятини янада теранроқ англадим, — дейди Ш.Шерова. — Хусусан, кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий билимларини ошириш, бандлигини таъминлаш, тадбиркор аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги мақсад-вазифалар хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу каби саъй-ҳаракатлар самарасида туманимизда ҳам тадбиркор, фермер, ҳунарманд аёллар сафи тобора кенгаймоқда.

Маҳалла жамиятимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. У жамиятда тинчлик, осойишталик, ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик кафолатидир. Шу боис ҳам қуйи бўғин оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ибратли хонадонлар тажрибасини оммалаштириш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш учун янада қулай шароитлар яратишда маҳаллалар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида турли тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, "Соғлом фарзанд — юрт келажаги", "Баркамол авлод тарбияси — миллий тараққиётимиз гарови", "Буюк аждодларимизнинг илмий-адабий мероси юксак маънавиятли авлод тарбияси кафолатидир" мавзусидаги тадбирларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат муҳитини, юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришнинг мазмун-моҳияти кенг тарғиб қилинмоқда. Бу эса ёшларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтириш, уларда маънавий иммунитетни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

MILLIY TIKLANISH
22 (394) 2016 йил 8 июнь, чоршанба

Депутат сўров киритди

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини сақлаш

ишига ЎзМТДП гуруҳлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Шерзод Салимовга фуқаролар айнан ушбу масалада мурожаат қилди. Уларда атроф-муҳит мусаффолигини асраш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш, соғлом турмуш тарзи мавзулари қаламга олинган. Хусусан, Жиззах тумани Қулама қишлоқ фуқаролар йиғинининг "Тошкентлик" маҳалласи фуқароларининг мурожаатида маҳалла атрофидаги умумий овқатланиш шохобчаларидан чиқаётган тутун атроф-муҳит, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, оқибатда турли касалликларга чалиниш ҳолатларини келтириб чиқариши мумкинлиги айтилади. Бундан ташқари, туманнинг Зиёкор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида тарқалувчанлик хусусиятига эга тери лейшманиози, яъни пашшахўрда (баровский) касаллиги аҳоли ўртасида учраётгани тахмин қилиниб, ушбу муаммони бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатилиши сўралган. Депутат мурожаатга асосан мазкур масалаларни жойида атрофлича ўрганиб чиқди.

— Қулама қишлоқ фуқаролар йиғининг "Тошкентлик" маҳалласи ва унга ёндош ҳудудларда кўплаб умумий овқатланиш шохобчалари мавжуд, — **дейди халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Шерзод Салимов.** — Бу ошхоналарда айрим таомлар кўмир воситасида тайёрланади. Бу эса, ўз навбатида, санитария қоидалари ва меъёрларига риоя қилишни тақозо этади. Аммо, олиб борилган ўрганишлар натижасида айрим якка тартибдаги тадбиркорларнинг ундан белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этмасдан фойдаланиши оқибатида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига зиён етказаётгани аниқланди. Қолаверса, Зиёкор ҚФЙ ҳудудидаги муаммо ҳам "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги қонун талаблари бузилаётгани оқибатида юзага келмоқда. Мазкур ҳолатлар мутасадди идораларнинг ўз вазифаларига янада жиддийроқ ёндашиши зарурлигини тақозо этади. Ушбу масалалар батафсил ўрганилганидан сўнг, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаларига депутатлик сўрови юбордик.

— Депутат сўровига асосан олиб борилган ўрганиш натижалари ҳақиқатда ушбу ҳудудларда аҳоли эътирозига сабаб бўлаётган масалалар борлигини кўрсатди, — **дейди вилоят ДСЭНМ бош врачи Шукрулло Абдураимов.** — Жумладан, "Тошкентлик" маҳалласи ҳудудида фаолият кўрсатаётган умумий овқатланиш шохобчаларида ўтказилган назорат тадбирлари давомида тартибсиз равишда ташкил этилган қўлбола ўчоқлар, кабоб ва сомса тайёрлаш жойлари олиб ташланди. Назорат тадбирлари доирасида фуқаро Алишер Даминов бошқараётган умумий овқатланиш шохобчасидаги кабоб тайёрлаш жойи алоҳида ихтисослашган бинода ташкил қилинди ва махсус кабоб тайёрлаш қўраси, 5 метр тепаликка тортиладиган дудбурон ўрнатилди. Шунингдек, ушбу ҳудудда фаолият юритаётган бошқа умумий овқатланиш ва савдо корхоналарида ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва тайёрлашда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш борасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Жиззах тумани Зиёкор қишлоқ фуқаролар йиғинида 3 мингдан ортиқ хонадон бўлиб, 22 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Марказимиз ҳамда қишлоқ врачлик пункти ходимлари биргаликда тахмин қилинган тери лейшманиози касаллигини бартараф этиш юзасидан олиб борилган назорат тадбирлари натижасида ўн уч фуқаронинг юз, қўл, оёқларида номаълум сабабларга кўра яралар тошгани аниқланди. Ушбу касаллик борйўқлигини аниқлаш ва якуний ташхис қўйиш учун уларга вилоят теританосил касалликлари диспансерига йўлланма берилди. Марказимиз мутахассисларининг Зиёкор ҚФЙ ва туманнинг бошқа аҳоли пунктларида мазкур касалликнинг асосий тарқатувчиси ҳисобланган ҳашоратга қарши олиб борган дезинфекция ишлари натижасида муаммо ечимини топди. Бугунги кунда ҳам қатор профилактика чора-тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

Таъкидлаш жоиз, депутатлик сўрови натижасида вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ва бошқа мутасаддилар ҳудудда аҳолини ўйлантираётган масалани ўз вақтида бартараф этдилар. Депутатимизнинг ушбу саъй-ҳаракати аҳоли фаровонлиги, ҳудуд ободлиги, шу билан бирга, партия дастурий мақсад-вазифалари рўёбига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш, овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, одамларнинг турмуш-тарзи, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси ҳаётининг саломатлиги, обод ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз фаол ҳисса қўшишга интилаётганлиги эътиборга молик.

Дилноза ҲАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Жараён

Сайлов демократик тамойиллар асосида ўтмоқда

Истиқлол йилларида юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Бу жараёнда фуқаролик жамиятининг ноёб бошқарув тизими — маҳалла институтининг ўрни ва роли тобора ортиб бораётир.

Айни кунларда юртимизда муҳим сиёсий тадбир — фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизғин давом этмоқда. Фуқаролар йиғинларига муносиб номзодларни сайлаш, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бу жараён Тошкент шаҳрида ҳам белгиланган қонун талабларига мувофиқ уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Бу йилги сайловда пойтахтимиздаги мавжуд 505 маҳаллада фуқаролар йиғини раислари ва унинг 7 мингдан ортиқ маслаҳатчиларини сайлаш кўзда тутилган. Айни пайтда аксарият маҳаллаларда раис ҳамда уларнинг ёрдамчилари сайлаб олинди. Жумладан, Учтепа туманидаги 60 маҳаллада ҳам бу жараён изчил давом этмоқда. Ҳозирга қадар тумандаги 50 дан ортиқ маҳаллада сайловлар бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоиз, сайловнинг ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтишида бу борада етарли билим ҳамда тажрибага, қолаверса, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга фуқаролар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакиллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларидан иборат ишчи гуруҳлари муҳим ўрин тутмоқда. Жойларда сайловолди тадбирлари, учрашув ва семинарлар ўтказилди. Хусусан, фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш ҳамда уни ўтказишдан камида беш кун олдин бу ҳақда фуқаролар хабардор қилинмоқда, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига муносиб номзодлар сайланишининг аҳамияти ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ҳамда ишчи гуруҳи аъзоси сифатида бугун фуқаролар сайлов жараёнларига ўта фаоллик, дахлдорлик ҳисси билан ёндашаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бу эса демократик қадриятлар ҳаёт тарзимизга чуқур сингиб, ҳуқуқий маданият юксалиб бораётганидан далолат беради. Масалан, тумандаги "Шафтолизор", "Шарқ юлдузи", "Оқ Мачит" "Қўрғонтепа", "Гузар", "Ширин" каби маҳаллаларда ўтказилган сайловларда аҳоли ҳар бир номзоднинг дастури, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан танишиб, энг муносибларига овоз бергани қувонарлидир. Маҳалла вакиллари, асосан, дастурида оилалар мустаҳкамлигини сақлаш, аҳолининг турли қатламларига аниқ ва манзилли ижтимоий ёрдам бериш, тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, тўйларни ихчам ўтказиш, бандликни таъминлаш каби долзарб масалаларга эътибор қаратаётган номзодларга овоз бермоқда. Сайлов жараёнларида ёшларнинг фаол иштирок этаётгани эса уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлиги тобора юксалиб бораётганидан далолат.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этишдаги, миллий ва маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни тиклаш ва ривожлантиришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайдиган фуқаролик жамияти институти сифатидаги фаолиятини кучайтириш асосий вазифалардан этиб белгиланган. Бу бежиз эмас. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, маҳалла — ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгуси, тарбия ўчоғидир. Шу маънода, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчилари сайловининг миллий сайлов қонунчилигимизга мос, ошкоралик ва муқобиллик тамойиллари асосида ўтиши жуда муҳим. Чунки сайловчи у ёки бу номзодга ўз ишончини билдиришда унинг билими, ҳаёт тажрибаси, юртпарварлиги, етакчилик қобилияти, амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини қай даражада билиши, ташкилотчилик сифатларини чуқур ўрганади, таҳлил қилади ва қиёсий баҳо беради. Бу орқали ҳар бир фуқаро фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларига навбатдаги икки ярим йил мобайнида ҳудуд аҳолиси манфаатларига, жамият аҳамиятига молик ўта муҳим масалалар ечими бўйича иш юритиш ваколатини тақдим этади.

Ушбу сайлов юртимизда ижтимоий-сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янгича мазмунмоҳият билан бойитиш, жамиятни янада эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, демократия тамойилларининг инсонлар ҳаётида кенг қулоч ёйиши, ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини бундан-да кучайтиришга хизмат қилади.

Юнус КАРИМОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Давлат дастури — амалда

Соғлом она ва бола — жамият келажаги

Мамлакатимизда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили деб номланиши, унинг асосида Давлат дастури қабул қилингани бу йўналишдаги ислоҳотлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётганидан ёрқин далолат беради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши "Аёллар қаноти", Тошкент шаҳар кенгаши, Миробод туман ҳокимлиги ҳамкорлигида "Соғлом бола — бахтли келажак" мавзусида ўтказилган тадбирда ана шу хусусда сўз борди.

4-шаҳар туғруқ мажмуасида бўлиб ўтган тадбирда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, уни амалга оширишда партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар муҳокама этилди.

— Ер юзида ҳаёт пайдо бўлибдики, одамзод мўътабар она сиймоси олдида ҳамиша таъзим қилади, — деди тадбирда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова. — Аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш — ота-боболаримиздан мерос қадрият. Бу борада олиб борилаётган кенг кўламли амалий ишлар, энг аввало, соғлом ва покиза насл давомийлигини таъминлашга хизмат қилади. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади.

Яқинда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоботида 1990-2015 йилларда Ўзбекистонда оналар ўлими 33,3 фоизга қисқаргани қайд этилди. Бу, албатта, Президентимиз раҳнамолигида оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳаётини енгиллаштириш борасида яратиб берилган шарт-шароитлар самарасидир. Эътироф этиш жоиз, ўтган йилдан бошлаб соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини — туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларида ҳомиладорликнинг дастлабки уч ойлиги, яъни 10–14 ҳафталарида барча аёл оммавий ультратовуш текширувидан ўтказилмоқда. Натижада, ҳомиладорликнинг эрта даврида ҳомиланинг умумий аҳволи, унинг ривожланиши, туғма нуқсонлар ва акушерлик паталогиясини аниқлаш имкони туғилди.

Тадбирда таъкидланганидек, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан юксак авлодни шакллантириш, мустақил фикрли, дунёқараши кенг, ватанпарвар, баркамол ёшларни вояга етказишга қаратилган қатор чора-тадбирларни аҳолининг турли қатламлари, хусусан, партия фаоллари ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг мазмун-моҳиятини тадбир, учрашув ва очиқ мулоқотлар орқали электоратга етказиш долзарб вазифа саналади. Хусусан, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ҳамда баркамол қилиб тарбиялаш борасидаги тарғибот тадбирларини сон ва сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида туғруқхона мажмуасида ҳомийлар томонидан жиҳозланган она ва бола хонаси фойдаланишга топширилди.

— Партия сайловолди Платформасида белгиланган она ва бола саломатлигини таъминлаш, репродуктив саломатликни, аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, халқимизга хос соғлом турмуш анъаналарини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли тиббий маданиятини оширишга кўмаклашиш каби вазифаларни амалга оширишга қаратилган тарғибот тадбирларини партиямизнинг туман кенгашлари ва қуйи бўғинларда ҳам мунтазам ташкил этаётгани яхши самара бермоқда, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Отабек Жиянбоев. — Соғлом она ва бола йилида бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга кўтарамиз.

* * *

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши ҳамда Республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида Бўка туман 15-Мехрибонлик уйида ҳам шу мавзуда тадбир ташкил этилди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг саломатлигини таъминлаш, уларга пухта билим бериш, айни пайтда фарзандларни юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга етук шахслар сифатида вояга етказиш муҳим масалалардан биридир, — деди тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Ҳанифа Зокирова. — Буларнинг барчаси турли соҳаларда ўз самарасини бераётгани, юксак ютуқларга эришишнинг муҳим омилига айланаётгани, албатта, қувонарлидир. ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари ҳам ана шу жараёнга ўз ҳиссасини қўшиш, кўмаклашишга интилмоқда.

Бунда, айниқса, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги тарғибот тадбирларини сон ва сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш муҳим аҳамият касб этади.

— Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш, оила институтини мустаҳкамлаш мақсади мужассам, — деди "Оила" илмий-амалий маркази директори вазифасини бажарувчи Ҳафиза Мамадалиева. — Бу бежиз эмас. Чунки баркамол авлод — мамлакат келажагидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни кенг дунёқарашли, теран фикрли, жисмонан ва маънан етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, имконияти чекланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларига меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, жумладан, эҳтиёжманд болаларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятга фаол интеграциялашуви учун зарур шарт-шароит яратиш доимий эътиборда. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги эзгу ишлар қўлами янада кенгаймоқда.

Тадбирда юртимизда улғайиб камол топаётган авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши, ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, уларни жамиятимиздаги ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири экани таъкидланди.

Дарҳақиқат, фарзандларга меҳр-эътибор кўрсатиш азалий қадриятларимиздан. Мазкур тадбирда халқимизга хос ана шундай инсонпарварлик, болажонлик яна бир бор яққол намоён бўлди.

Тадбир ташкилотчилари ва ҳомийлар болажонларга эсдалик совғаларини топширди. Бўка туманидаги болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари Мехрибонлик уйида тарбияланаётган тенгдошларига концерт дастури намойиш этди.

Ўзбек Миллий академик драма театри санъаткорлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мадина Мухторова ва иқтидорли ёш актриса Нигина Анорбоева талқинидаги саҳна кўринишлари барчага хуш кайфият бахш этди.

Миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз, уларнинг жамиятимиз ва ҳар биримизнинг ҳаётимизда тутган ўрни, фарзандларнинг ўз ота-онаси ва Ватан олдидаги бурчи, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта ўзлаштиришнинг аҳамияти ҳақида, айниқса, ёшлар қизиқарли фикрлар билдирди. Тадбир иштирокчиларининг саволларига батафсил жавоб қайтарилди. Билдирилган таклиф, фикр ва мулоҳазалар асосида партия "Аёллар қаноти"нинг она ва бола саломатлигини таъминлашга кўмаклашишга доир вазифалари белгилаб олинди.

Марҳабо ҚУРБОНОВА,
Пискент туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ютуқ ва марраларга эришилаётир. Айниқса, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида таълим тизимига устувор аҳамият қаратилиб, унинг моддий-техник базаси халқаро мезонлар асосида мустаҳкамланди, замонавий тарзда жиҳозланди.

Барча шарт-шароитларга эга таълим масканларида таҳсил олаётгани ёшларимизнинг ўз орзулари сари дадил интилишида муҳим омил бўлмоқда. Ушбу тадбир ҳам навқирон авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Феруза РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши етакчи мутахассиси,
Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Она тили — миллат руҳи

Ўзбек тили имкониятларини оширишда

депутатлар пешқадам бўлиши керак

"Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини оширишни ўзимиз учун энг устувор, узвий давом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масаланинг аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур".

Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда қабул қилинган "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги фармонида шундай деб алоҳида таъкидланган.

Айтиш керакки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий вазифалари сирасига ўзбек халқининг тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, унинг ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш ҳам киради. Партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси, юридик фанлар доктори, профессор Акмал САИДОВ билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда ўзбек тилининг ўрни ҳамда мақомини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Францияда нашр этилган "Dictionnaire Hachette" луғатида қайд этилишича, бугунги кунда Ер юзида 6 минг 912 тил мавжуд, айни пайтда 400 тадан зиёд тил бутунлай йўқолиб кетиш арафасида турибди, — дейди А.Саидов. — Ҳар икки ҳафтада битта тил ўлик тилга айланмоқда.

Бу асосан глобаллашув билан боғлиқ. Яна бир сабаб эса миграция, яъни аҳолининг кўчиб юриши туфайли ўз миллий тилларида мулоқот қилиш имконияти чекланишига бориб тақалади.

Ўзбек тили — дунёдаги кўп сонли тиллар орасида биз, ўзбеклар учун ягонадир. Зеро, тил халқнинг буюк маънавий мулки бўлиб, унда миллатнинг ўзига хослиги, неча минг йиллик олис тарихи, миллий маданияти ва урф-одатлари мужассам. Тил инсонлар мулоқотининг асосий кўриниши ҳисобланади ва фақат тил орқалигина инсон онгида тасаввурлар ва билим шаклланади. **"Она тили — бу миллатнинг руҳидир".** Шунинг учун ҳам тил ҳақида ғамхўрлик қилиш — юксак маънавият белгиси.

Бинобарин, ўз халқига, унинг миллий урф-одатлари ва анъаналарига, тил ва маданиятига бўлган муҳаббатдан кўп миллатли она-Ватанга бўлган муҳаббат, ўзга халқлар маданиятига ҳурмат бошланади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **ҳар қайси миллат, катта ё кичиклигидан қатъи назар, ўз она тилини ҳурмат қилади.**

Тарихий тажрибалар шуни тасдиқлайдики, ҳар қандай миллий тикланиш, миллий маданиятни ривожлантиришга табиий интилиш, биринчи навбатда, миллий тилнинг тикланишига пойдевор қўяди.

Тил — халқнинг жони. Тилга эътиборсизлик халққа эътиборсизликдир. Тилнинг истеъмолдан чиқиши, ўз навбатида, унинг ҳуқуқий мақоми, ахборот, билим олиш, театр, санъатнинг бошқа турлари, бутун миллий маданият асосларининг бузилишига олиб келади.

Афсуски, XX асрнинг каттагина даврида ҳукмронлик қилган собиқ шўролар тузуми юритган тил сиёсати миллатларнинг муқаддас ва бебаҳо мулки бўлмиш она тилини тушкун ва аянчли аҳволга солиб қўйганди. Айниқса, турли миллат ва элатлар ўрнига "ягона бирлик — совет халқи"ни ташкил қилиш ғояси кўпгина миллий тиллар қатори она тилимизнинг ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётда кам қўлланилишига олиб келгани сир эмас.

Оқибатда ўзбек тилининг жамият ижтимоий ҳаётидаги мавқеи мутлақо тушиб кетганди. Тилимиз расмий сўзлашув, илмий изланишлар олиб бориш, иш юритишдан, олий ҳокимият органларининг фаолиятидан четлаштириб юборилган эди. Ваҳоланки, ўз ижтимоий ва ҳуқуқий мавқеини йўқотган тил ўлимга маҳкумдир. Чунки **тил ижтимоий функцияларининг йўқолиши миллий ўзликнинг йўқолишига олиб келади.**

Шу маънода, она тилимизнинг аянчли аҳволи кенг жамоатчилик ва зиёлиларимизда ўзбек тилини нафақат сақлаб қолиш, айни чоғда унинг ҳуқуқий мавқеини кўтариш, камол топтириш ва ривожлантириш зарурлиги борасида ҳақли ташвиш уйғотди. Шундай қилиб, бундан қарийб ўттиз йил илгари она тилимизни қонун ҳимоясига олиш ва унинг ҳуқуқий мақомини белгилаш ҳамда изчил ривожлантириш учун имкониятлар яратиш давр талабига ва миллий эҳтиёжга айланди.

— Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан боғлиқ муҳим ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий жараёнлар — ўша тарихий воқеанинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида тўхталсангиз...

— Юртбошимизнинг ташаббуси ва тарихий жасорати туфайли истиқлол арафасидаёқ "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани халқимизнинг асрий орзу ва армонлари рўёбга чиқиши, миллий қадриятларимиз тикланиши йўлидаги илк йирик тарихий қарор бўлган. Ўз навбатида, ушбу ҳуқуқий норма мустақилликнинг дастлабки даврида Конституциямизда қатъий муҳрлаб қўйилди.

Юртбошимиз 1989 йил 23 июндан республикамиз раҳбари сифатида фаолият бошлагач, у кишининг ташаббуси билан Олий Кенгаш қошида тил ҳақидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчи махсус комиссия тузилди. Тил ҳақидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Лойиҳанинг бешта варианти матбуотда эълон қилинди ва комиссияга тақдим этилди.

Ўшанда қонун лойиҳасининг муҳокамаси бўйича ишчи комиссиясига 151 мингдан зиёд киши имзо чеккан 4,5 мингдан ортиқ хат келиб тушган. Комиссияга 225 мингта таклиф юборилган ва уларнинг аксарияти инобатга олинган. Буларнинг барчаси тил ҳақидаги қонун лойиҳасини жамоатчилик қизғин ва баҳсли муҳокама этганидан яққол далолат. Миллий қонун ижодкорлигида бундай фаоллик мисли кўрилмаган ҳодиса эди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида", "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарларида мустақиллик арафасида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласида қандай қизғин, баъзида кескин ва муросасиз баҳслар бўлиб ўтгани алоҳида эслаб ўтилган.

Ушандай қалтис ва мураккаб вазиятда, Юртбошимиз ҳақли равишда қайд этганидек: **"Оғир-вазминлик билан иш тутиб, ҳар томонлама ўйлаб, мулоҳаза қилиб, барча сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг талабларини қондирадиган, энг муҳими, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни топишга эришдик".**

1989 йил 21 октябрда "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва миллий қадриятларини тиклаши йўлида тарихий аҳамият касб этди. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек: **"Ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишади".**

— Ўзбек тилининг конституциявий мақоми ва ҳуқуқий асослари тўғрисида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Конституциямиз ўзбек тилида тайёрланган ва қабул қилинган биринчи Асосий қонун сифатида биз учун жуда қадрлидир. Ўшанда — 1992 йилда илк бор ўзбек тили конституциявий институт сифатида эътироф этилди.

Конституция лойиҳасининг матни Тил ва адабиёт институтида лингвистик экспертизадан ўтказилган, яъни ўзбек тили талаб ва қоидаларига риоя этилиши нуқтаи назаридан ўрганилган. Шу боис Бош қомусимиз тили ўзининг аниқлиги ва лўндалиги, равонлиги ва халқчиллиги билан ажралиб туради.

Асосий қонунимизнинг ҳар бир моддаси аниқ ва равон ўқилади. Сўз ва жумлалар содда, тушунарли. Бу эса матнда аниқликни таъминловчи омил бўлиб хизмат қилган. Конституция тилининг лексик жиҳатига эътибор берилса, унда асл туркийча – ўзбекона сўзлар билан бир қаторда, халқаро ҳуқуқ атамаларини ҳам учратиш мумкин.

Зотан, Конституция — биз учун нафақат муҳим ҳуқуқий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, айни вақтда, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсон учун мустаҳкам ҳимоя. Мустақиллик Қомусимиз миллий истиқлол ғоясини ва умумбашарий қадриятларнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда, она тилимиз, миллий анъаналаримиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий меросини тиклашни таъминлагани, **"инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар"** яратгани билан ҳам ғоятда аҳамиятлидир.

Шундай зарур шарт-шароитлардан бири сифатида ўзбек тили тараққиёти учун мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилди.

Биринчидан, "Давлат тили ҳақида"ги қонунда мустаҳкамланган муҳим ҳуқуқий қоидалар энди Асосий қонунимизнинг 4-моддасида қуйидагича муҳрлаб қўйилди: **"Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади".**

Иккинчидан, 1989 йили "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилиниши муносабати билан 1990 йили Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонунни амалга ошириш давлат дастури тўғрисида"ги қарори кучга киритилди.

Учинчидан, Президентимиз 1991 йил 31 августда имзолаган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"ги конституциявий қонуннинг 16-моддасида ўзбек тили давлат мустақиллиги рамзларидан бири сифатида муқаддас деб эътироф этилди.

Тўртинчидан, 1993 йилда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Бешинчидан, 1995 йили "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Олтинчидан, 1996 йили ушбу қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва шу каби бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу тариқа ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча соҳасида давлат тилининг ривожига қаратилган норматив-ҳуқуқий асос яратилди. Энг муҳими, ушбу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатлари нафақат ўзбек тили, шу билан бирга мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилини ривожлантириш ва уни эркин қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишнинг мустаҳкам кафолати бўлиб келмоқда.

— Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги кенг нишонланадиган йилда, яъни шу йил 13 майда қабул қилинган Президентимиз фармонига биноан янги ташкил этилган Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига Алишер Навоий номи берилди...

— Тил ва сўз — инсониятнинг энг буюк мўъжизалари. Ҳазрат Алишер Навоийнинг аксарият асарларида ана шу мўъжизалар қудрати, таъсир кучи, жилвасига теран таъриф берилган. Шу маънода, янги дорилфунун сўз мулкининг султони номи билан аталгани ҳамда бош бино олдида улуғ шоир ва мутафаккир бобомиз ҳайкалини ўрнатиш ғояниш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилингани бу фикримизни тасдиқлайди.

Қарорга кўра, 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфда эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш босқичма-босқич йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир.

Президентимиз фармонига биноан янги университет таркибида ўзбек филологияси ҳамда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш факультетлари билан бир қаторда, ўзбек-инглиз таржима факультетини ташкил этиш белгиланганги тимсолида ана шу замонавий ва адолатли ёндашувга тадрижий асосда риоя қилинаётганига яна бир бор амин бўлдик. Шу билан бирга, университет таркибида Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти, шунингдек, Ўзбек тили ва адабиёти музейи фаолият юритиши ҳам ғоятда муҳимдир.

— Ўзбек тилини, хусусан, миллий ҳуқуқ тилини ривожлантириш учун истиқболда қандай аниқ ишларни амалга ошириш керак, деб ўйлайсиз?

— Партиямиз фаоллари ва депутатларимиз давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштиришга, тил маданиятини, ўзбек тилининг ўрни ҳамда мақомини янада юксалтириш борасида жойларда изчил иш олиб бормоқда. Албатта, бу борадаги фаолиятимиз фуқароларимизнинг кундалик турмушда, ўзаро муомала-мулоқотларда ўзларига қулай тилда сўзлашишига доир конституциявий ҳуқуқларига зиҳ дахл қилмайди.

Нега деганда, бунда оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақсадли ишлар амалга ошириляпти. Масалан, партиямизнинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари қонун лойиҳаларининг давлат тили талабларига тўла мос ҳолда тайёрланиши масаласига ҳамиша ғоятда жиддий ёндашади.

Бунда "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳасига чуқур татбиқ этилаётгани ўз самараларини бермоқда. Ҳуқуқ ва қонун ижодкорлиги соҳасидаги ўзгаришлар хусусида сўз юритганда, авваламбор, ушбу қонун, шунингдек, Конституция лойиҳалари матнининг ўзбек тилида тайёрланиши бу борада ғоятда ибратли намуна бўлганини таъкидлаш лозим.

Қонун ўзбек тили равнақига, шу жумладан ўзбек ҳуқуқий тили, қонунчилик тили ривожига кучли таъсир кўрсатди. Президентимиз тавсияси асосида Олий Мажлис таркибида ташкил этилган Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси самарали иш олиб бормоқда. Бинобарин, қабул қилинадиган қонунларимиз ҳамма учун тушунарли ва халқона, содда ва равон тилда ёзилиши керак. Зеро, тил тараққиётида Конституция, қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим роль ўйнайди.

Ўз навбатида, Президентимиз фармони ижроси доирасида амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар, хусусан, юриспруденция, ҳуқуқшунослик соҳалари, ҳуқуқий тарбия ва тарғибот жараёнларида ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, қиёсий луғатлар яратиш, зарур ҳуқуқий атама ва иборалар, юридик тушунча ва категорияларни ишлаб чиқишда катта туртки бўлиши тайин.

Хусусан, ўзбек-инглиз, ўзбек-француз, ўзбек-немис тилларида ва шу каби бошқа икки ва кўп тилли ҳуқуқий луғатлар тайёрлаш лозим. Ҳуқуқий атамалар луғатлари, шу жумладан ўзбек ҳуқуқий атамалари изоҳли луғатини тайёрлаш ва нашр қилиш керак. Қолаверса, ўзбек ҳуқуқий тили қомусини яратиш зарур, деб ўйлаймиз.

Яна бир мулоҳаза: миллий қонунларимизни жаҳон тиллари, авваламбор, БМТ расмий тилларига таржима қилиш ва чоп этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, юртимиз иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш, умуман олганда, халқаро сиёсий ва иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун жуда зарур.

Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқшунослар ўзбек юридик (ҳуқуқий) тилининг имкониятларини кенгайтириш борасида изчил иш олиб боришлари тақозо этилади. Бу борада "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари ва депутатлари пешқадам бўлиши шарт.

Президентимизнинг фармони бугунги кунда ўта долзарб масала бўлиб турган она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш борасида ҳуқуқий дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Айни чоғда, фармон нафақат ўзбек тили ва адабиёти ривожи, балки юртимиздаги барча тиллар ва адабиётлар, барча соҳа ва йўналишлар тараққиёти учун беқиёс аҳамиятга эга тарихий ҳужжатдир. Юртбошимиз ушбу ҳужжат тимсолида белгилаб берган истиқболли вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этишга бутун жамиятимиз, ҳар биримиз масъулмиз.

Суҳбатдош: Исмат ХУДОЁРОВ

Тадбир

Огоҳлик — ҳаётий зарурат

Тошкент тиббиёт академиясида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан одам савдосига қарши курашиш борасидаги ишларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, навқирон авлодни турли таҳдидлардан, хусусан, одам савдосидан асраш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Партия томонидан мазкур қарор ижроси доирасида ўтган йили таълим муассасаларида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Мазкур тадбирларда одам савдосидан огоҳ бўлиш ва унга қарши курашиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Давра суҳбатида ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, интернет маданиятини шакллантириш, йигит-қизлар онгини ёт ғоялар таъсиридан асраш ҳақида сўз юритилди, — дейди Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси Н.Зикирова. — Таълим даргоҳларида одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш ва тарбиявий ишларни кучайтириш мақсадида ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда "Одам савдоси — давр муаммоси", "Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари", "Интернет маданиятини юксалтиришнинг долзарб муаммолари" мавзуларида маърузалар тингланди, фикр алмашилди.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,
ЎзА

Оила, оналик ва болалик — давлат муҳофазасида

Тошкент давлат юридик университетида "Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг концептуал масалалари" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда сенаторлар, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тошкент давлат юридик университети ректори Е.Каньязов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк йилларидан оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганини таъкидлади.

Оиланинг тинчлиги жамият ва давлатнинг барқарорлиги, оналик ва болалик авлодлар бардавомлигининг муҳим омилидир. Мустақиллик туфайли улар янгича маъно-мазмун касб этди. Бунда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, оналар ва болалар ҳуқуқларини кафолатлаш, оилалар барқарорлигини таъминлашга эришишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида қайд этилганидек, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. 65-моддада оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган.

"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилингани, "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилгани, БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияси ратификация қилингани ҳам оила, оналик ва болалик муҳофазасини янада кучайтирди.

Конференцияда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар ва уларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

— Бўлажак келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича масъулиятни кучайтириш, эрта турмушга чиқиш ҳолатларининг олдини олиш, қизларнинг касб-ҳунарга эга бўлиб, ҳаётни англаб турмуш қуриши учун шароит яратиш долзарб аҳамиятга эга, — дейди юридик фанлар доктори Феруза Муҳиддинова. — Шундагина улар ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади, эртага у қурадиган оила ҳам мустаҳкам бўлади. Бундай эзгу ниятни амалга татбиқ этиш йўлида давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, маҳалла, хотин-қизлар, нуронийлар, ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА

MILLIY TIKLANISH
22 (394) 2016 йил 8 июнь, чоршанба

Истиқлол манзаралари

Бунёдкорлик қонимизда бор

Яқинда Ҳабибулло Қодирийнинг "Отам ҳақида" китобини ўқиб қолдим. Муаллиф отаси, буюк адиб Абдулла Қодирийнинг ижоддан бўш вақтида ўз боғида меҳнат қилгани, нотекис, ташландиқ ерларни ўзлаштириб серфайз, серҳосил боғ яратгани ҳақида мароқ билан ёзган.

Китобни ўқиб, беихтиёр бобом ёдимга тушди. У ҳам худди Қодирийдек ташландиқ, нотекис, бўз ерни ўзлаштириб, уч гектар ўрикзор барпо қилганди. Раҳматли отам ҳам нафақага чиққач ижарага ер олиб, мевазор боғ бунёд этган, унинг номи "Бўстон" аталган.

Ҳовлимиздаги томорқамизга олма, гилос, ўрик, нок, беҳи, ёнғоқ, анжир каби мевали дарахтлар ўтқазилган эди. Кузда омборимиз мева-чевага тўлиб кетар, отам ҳеч қачон ўзи етиштирган меваларни бозорда соттирмасди. Яхши хотирлайман: янги экилган мевали дарахтлар ҳосилга кирса, роса хурсанд бўларди. Уйимизга меҳмон келса, эринмай уларга томорқамиздаги дарахтлар, мевали кўчатларни бирма-бир кўрсатиб ҳар бирининг таърифини келтирарди.



Отамни энди тушуняпман. Чунки мен ҳам отамга ўхшаб мўъжазгина томорқамга гилос, ўрик, олма, анжир ўтқаздим. Улар гуллаб ҳосилга кирди. Ўзинг парваришлаган ва меҳр берган мевали дарахтларнинг ҳосилга кирганини кўрсанг, яйрайсан-да. Меваси ҳам энг тотли туюлади.

Халқимизда боғ яратиш, сув чиқариш, йўл қуриш энг савобли амал саналади. Бобом, отам, ҳамқишлоқларимни кузатиб, шуни англадимки, халқимиз бободеҳқон, миришкор, меҳнаткаш, тадбиркор, бир сўз билан айтганда, бунёдкор халқ.

Ташландиқ, қаровсиз, ҳатто сув чиқмайдиган ерларни ҳам ўзлаштириб, боғу роғ яратиш халқимизнинг қонида, руҳиятида, зеҳниятида бор.

Айниқса, сўнгги йилларда Наманганда Тошкент томон йўл олсангиз, кенг асфальт йўлнинг икки томони олмазору ўрикзорга айланганини кўрасиз. Одамларнинг ҳовлиси деворлари оша бўй чўзиб турган гилосу олча, бодому ёнғоқ сизга салом бераётгандек туюлади. Бунёдкорлик ҳам халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ўзбек бойиса иморат қуради, деган нақл ҳам бежиз пайдо бўлмаган, ахир.

Тарихдан биламизки, босқинчилар юртимизга кўп ҳужум қилган. Қолаверса, хонлару шоҳлар ўртасидаги тожу тахт талашишлар, жангу жадаллар оқибатида обод шаҳару қишлоқлар ёниб кулга айланган. Устига устак зилзила, ёнғин, сув тошқини каби табиий офатлар рўй берган. Бироқ меҳнаткаш аждодларимиз ҳеч қанча вақт ўтмай харобага айланган шаҳару қишлоқлар ўрнида яна обод шаҳарлар, қишлоқлар, кўприклар барпо этишган. Демак, бунёдкорлик бизга аждодлардан мерос фазилат.

Тўрақўрғонда турли миллат вакиллари яшашади. Бошқа ҳамюртларимиз меҳнат таътилига чиқишса, санатория ёки курортга бориб дам олишади. Бизнинг халқимиз эса, айниқса, қишлоқда яшайдиганлар дам оладиган пайти келдими ё уй қуради, ё яшаётган ҳовли-жойини тузатади.

Отам умрим мобайнида беш ҳовли-жой қурганман, деб кўп гапирарди. Халқимизда ёзилмаган қонун бор: ота, албатта, ўғлига уй-жой қилиб беради. Ўғил эса оила қургач, фарзандига уй солади. Қишлоқ жойларида бу анъана асрлардан буён яшаб келмоқда. Ҳовли-жой нега биз учун азиз, муқаддас? Чунки уни бизга отамиз қуриб берган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон улкан қурилишлар майдонига айланди. Президентимиз ташаббуси билан қурилаётган намунавий турар-жой бинолари, кун сайин чирой очиб бораётган шаҳару қишлоқларимиз, соя-салқин дам олиш масканлари, йўл ва кўприклар... Эй, қай бирини таърифлай, қай бири ҳақида ёзай?

Наманган шаҳри тугаб, Тўрақўрғон бошланиши билан йўлнинг икки тарафида замонавий архитектура талабларига мос икки қаватли, пишган ғиштдан қурилган, томига рангли тунука ёпилган уй-жойлар деярли қуриб битказилди. Катта йўл бўйига гул, арча каби манзарали дарахтлар ўтқазилмоқда.

Тўрақўрғоннинг марказидан кесиб ўтган катта йўл "Наманган" кўчаси, деб аталади. Уни бемалол шоҳ кўча дейиш мумкин. Бу кўчадан атиги икки йил олдин ўтган одам ҳозир кўзларига ишонмаса керак. Ушбу марказий кўча Тўрақўрғонни обод, кўркам, замонавий шаҳарга айлантириб юборди.

Катта асфальт йўли бўйида икки қават қилиб қурилаётган уйлар давлат идораларининг эмас, балки оддий одамларнинг, уларнинг эски, кўримсиз уйлари ўрнида қад ростлаётган замонавий ва кўркам хонадонлари.

Мени қувонтираётгани — халқимиз янги турар-жойларини аввалги йиллардагидан чиройлироқ, шинамроқ ва ҳашаматлироқ қилиб қураётгани, ростини айтганда, аввалгилари мен бу ҳолатни мақтанчоқлик, деб атардим. Лекин ҳозир бундай ўйламайман. Чунки ота-боболари қурган бундай бинолар вақти келиб уларнинг фарзандларига, набираларига мерос бўлиб қолади.

...Бобом ўзи ўтқазган нок кўчатининг мевасидан тотиб кўришга улгурмаган. Аммо унинг ҳузурини биз набиралари кўрдик. Ҳа, бунда ҳам халқимиз эзгу амаллар ҳосилини авлодларга қолдиришдек улуғ омил мужассам.

Хайрулло ХЎЖАЕВ,
ЎзМТДП аъзоси

Миллий ғурур

Маънан етук инсон эл-юрт корига ярайди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

...2015 йил 1 май. Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказиладиган "Олтин қалам" Х Миллий мукофотининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбирга ижодкорлар жам бўлишган. Ҳамма ҳаяжонда.

Шунда тантанали равишда "Энг яхши журналистик материал" учун номинацияси бўйича биринчи ўринга "Тўмарис" ҳужжатли фильми лойиқ кўрилгани эълон қилинди.

Залда ўтирган Ўзбекистон миллий университети магистри Азизанинг кўзларида қувонч ёшлари порлади. Бу бежиз эмас. Чунки у мазкур фильмга ҳам ҳаммуаллифлик, ҳам бошловчилик қилганди. Бугун ёшларимизнинг барча соҳада ҳам мамлакатимиз, ҳам жаҳон миқёсида эришаётган бундай қувончли воқеалар — муваффақият, ғалаба ва ютуқларига бот-бот гувоҳ бўлиб турибмиз. Булар, албатта, истиқлол йилларида мамлакатимизда адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қобилият ҳамда имкониятларини рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг самарасидир. Зотан, Президент Ислом Каримов: "Олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси авваламбор янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир", — дея баҳолаган эди. Айнан шу боис чуқур билимга эга баркамол авлодни шакллантириш, янгича фикрлайдиган ва давр билан ҳамқадам юрадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш давлатимиз ёшлар сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

ЎзМТДП аъзоси, "Камолот" стипендияси совриндори Азиза Аҳмадова ҳам яратиб берилган ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўзбек ёшлари дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда намоён қилиб келаётган ёшларимиздан бири. Болалигидан журналистикага қизиққан Азиза гарчи бошқа йўналиш бўйича таҳсил олган бўлса-да, илк фаолиятини Жиззах вилояти телерадиокомпаниясида муҳаррирликдан бошлади. Орадан кўп вақт ўтмай, меҳнатлари ўз самарасини берди: 2013 йилда "Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар танловининг республика босқичида публицистика йўналиши бўйича, 2014 йилда эса "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлди. Унинг адабиётга бўлган қизиқиши "Бобур ижодида хулқлар ва одатларнинг психологик талқини" илмий рисоласини ёзишга ундади. Шу билан бирга республикамизда ўтказилган қатор илмий конференцияларда ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён этди.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Камолот" стипендияси учун ўтказилган танловда мамлакатимиздаги барча олий таълим масканларининг уч юздан зиёд бакалавриат, магистратура босқичида таҳсил олаётган истеъдодли талабалари иштирок этди. Азиза 75 иқтидорли талаба қатори мазкур стипендия совриндорига айланди. Жорий йилда "Камолот" ўтказаётган "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" ёшлар фестивали доирасида кўплаб вилоятларда бўлди, 4 кун давомида 18 лойиҳада фаол иштирок этди.

— Мамлакатимизда янгича фикрлайдиган, Ватан тақдири, унинг бугуни ва келажагига даҳлдорлик ҳисси билан яшайдиган, чет тилларида эркин сўзлашадиган, жисмонан соғлом, эътиқоди мустаҳкам авлод вояга етмоқда, — дейди ЎзМУ журналистика факультети доценти Гулнора Нишонова. — Азиза талабаликнинг дастлабки йилларидан нафақат вилоят, балки республика матбуотида ҳам ўз мақолалари билан мунтазам иштирок этиб келаётир. Унинг интилувчанлиги, тиришқоқлиги ва серқирра ижодкорлиги ҳавасга лойиқ. Биз устозларнинг асосий мақсадимиз эса ёш авлод замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, юрт равнақи учун фидойи инсонлар бўлиб камолга етишига кўмаклашишдир.

— Мен жаннатмонанд юртнинг бахтли қизларидан бириман, — дейди Азиза. — Изланишу интилишларим рағбат топмоқда. Бу нафақат мени, балки барча ёшларимизни тинимсиз изланиш, юксак марраларни эгаллаш, ўз қобилият ва истеъдоди билан мамлакатимиз довруғини жаҳонга танитишга ундайди. Биз буюк аждодларнинг ворисларимиз. Оққан дарё яна оқади, деганларидек, биз аждодларимизга муносиб ворис бўлишга интилишимиз лозим. Бунга бизнинг тўла маънавий ҳақимиз бор. Зеро, Юртбошимизнинг, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деган сўзлари бизга доимо ғайрат-шижоат бағишлайди.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бугуннинг гапи

Миллий ижтимоий тармоқлар

Интернетнинг салбий оқибатларига қарши муҳим восита

Маълумотларга кўра, бугун сайёрамиздаги ҳар беш кишининг бири ижтимоий тармоқлардан фойдаланади. Масалан, биргина Facebook тармоғи фойдаланувчиларининг сони бир миллиарддан ошади. Бу рақам кун сайин кўпайиб бораётгани эътиборга олинса, ижтимоий тармоқларнинг таъсир доираси нақадар кенгаяётганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, миллий ахборот сегментларини ислоҳ қилиш, янада такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли ишлар ёшлар маънавиятини юксалтириш билан уйғун ва изчил амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юртимизда миллий ахборот жамиятини босқичма-босқич шакллантириш имконини бермоқда. Бу жараёнда миллий сайтлар, порталлар ҳамда ижтимоий тармоқларни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва янада оммалаштириш масаласи устувор аҳамият касб этади.

Бу бежиз эмас. Зеро, бугунги глобаллашув даврида Интернет фойдаланувчилари кўлами кенгайиб, уларда, айниқса, ёшлар иштироки ортиб бормоқда. Глобал тармоқнинг трансчегаравийлиги, унинг ҳамма учун очиқлиги боис салбий ва бузғунчи кучлар ўзларининг ғаразли ниятлари йўлида ахборот эркинлигини суиистеъмол қилиб, у орқали носоғлом мазмундаги ахборотларни тарқатишга уринаётгани ҳам сир эмас. Ана шундай вазиятни ҳисобга олган ҳолда, халқимиз, айниқса, ёшларимизни бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир.

Сўнгги йилларда мазкур йўналишда қатор салмоқли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази мутахассислари янги — davra.uz миллий ижтимоий тармоғини ишга туширди. Ушбу лойиҳа Интернетнинг миллий сегментларини ривожлантириш, ёшларни миллий ижтимоий тармоқларга янада кўпроқ жалб этиш мақсадини кўзда тутади.

— Фойдаланувчилар мазкур тармоқ ёрдамида Интернетда синфдош ва курсдошлари, хизматдош ҳамда ҳамкасбларини топиши мумкин, — дейди марказ ахборот хизмати бошлиғи Зумрад Шожалилова. — Шунингдек, қизиқиш бўйича гуруҳлар, саҳифалар ташкил этиш ва ўз бизнесини таклиф қилиш учун ундан восита сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд. Davra.uz тармоғида стандарт сервислар асосида матнли ахборот, фотосурат ва видеороликлар, лайкларни жойлаштириш, шарҳлаш ва мессенжерда мулоқот қилиш имконияти яратилган. Айни пайтда ижтимоий тармоқда 2,2 мингдан зиёд фойдаланувчи рўйхатга олинган, қизиқиш бўйича қарийб 70 гуруҳ ташкил қилинган. Унда id.uz тизими орқали авторизациялаш амалга оширилади. Яқин вақт ичида ижтимоий тармоқнинг мобиль иловаси ва бир гигабайтлик файллар билан алмашиш иловаси ҳам ишга туширилиши режалаштирилган.

Айни пайтда "uz" доменида 37 ижтимоий тармоқ рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг аксарияти ўзининг доимий аудиториясига эга. Хусусан, muloqot.uz, sinfdosh.uz, fikr.uz, doira.uz, vsetut.uz сингари миллий ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилар томонидан юқори баҳоланмоқда.

— Миллий ва маънавий қадриятларимизга хос қатор ижтимоий тармоқлар яратилиб, фойдаланувчиларга тақдим этилаётгани қувонарли ҳол, — дейди журналист Бобур Обидов. — Миллий ижтимоий тармоқларни оммалаштириш UzNET-да зарарли ғоя ва ахборот тарқалишига қарши энг самарали услубдир. Негаки, улар хорижий сайтларга нисбатан бир қанча муҳим афзалликларга эга. Масалан, Ўзбекистон ижтимоий тармоқлари хавфсиз бўлиб, уларда яширинча рўйхатдан ўтиб бўлмайди. Бу ҳар бир фойдаланувчининг ўзи тарқатаётган ахборот учун масъулиятини оширади. Масалан, ўзим muloqot.uz ижтимоий тармоғи фойдаланувчиси сифатида айтишим мумкинки, унинг интерфейси ва вазифалари кўлами кенглиги жиҳатидан хорижникидан қолишмайди. Бундан ташқари, тармоқда ҳар бир фойдаланувчига нафақат мулоқот ва ижод қилиш, балки кўп минг сонли фойдаланувчиларни ўз ижод маҳсули, тажрибаси, билим ва ғоялари билан таништириш имконини беради. Сайт аудитория миллати, дини, жинси ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, жамиятимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилаётган, мустақил фикрлайдиган ва ижтимоий масъулиятли фуқаролардан иборат. Асосий фойдаланувчилари ёшлар бўлган ушбу тармоқ умуминсоний қадриятлар, миллий анъаналар, тенглик ва бағрикенглик тамойилларига амал қилади ҳамда ҳар қандай кўринишдаги зўравонлик ва камситишларга қаршидир.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Бу масала сиёсий партиялар ва улардан сайланган депутатлар фаолиятига ҳам бевосита даҳлдор. Негаки, кейинги йилларда Интернет — партияларнинг ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш, партия ғоя ва қарашларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, одамларни ўз ортидан эргаштириш ва шу орқали сайловларда муносиб иштирок этишда самарали воситалардан бирига айланмоқда. Бунда ҳар бир партиянинг веб-сайти мавжудлиги қўл келмоқда. Бироқ халқаро экспертларнинг таҳлилларига кўра, кейинги ўн йилда жаҳон сиёсий тизимида сиёсатшунос ва депутатларнинг сайловчилар билан мулоқотга киришиши, фикр алмашиши, баҳслашиши, одамларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиши, бир сўз билан айтганда, сайловчиларга янада яқин бўлишида кўпроқ блог ва ижтимоий тармоқлар катта ёрдам бермоқда. Чунки ижтимоий тармоқларнинг бугунги кундаги асосий вазифаси одамларга ўзаро онлайн мулоқотни йўлга қўйишдангина иборат эмас. Улар, энг аввало, жамоатчилик онгига таъсир кўрсатишнинг самарали воситасига айланиб бормоқда.

— Депутатларнинг ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиши улар ва сайловчи ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга хизмат қилади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ва ЎзМТДП фракцияси аъзоси Марҳабо Ғафурова. — Чунки депутат, биринчи навбатда, халқ вакили. Ижтимоий тармоқлар эса электорат ва депутат ўртасида кўприк, кенг ва очиқ мулоқот майдони вазифасини ҳам ўтайди. Депутат, энг аввало, одамлар билан мулоқотда бўлиши, уларни тинглай билиши, атрофдагилар унинг фаолияти ҳақида қандай фикрда экани билан қизиқиши шарт. Уларнинг глобал тармоқдан тўғри ва оқилона фойдаланиши одамлар орасига янада чуқурроқ кириб боришга, сайловчи истак-хоҳишларини яқиндан билишига замин яратади. Зеро, Интернет билан ишлаш ҳамда унинг барча имкониятидан фойдаланишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ахборот технологиялари ва коммуникациялари, хусусан, Интернет сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқларни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, бугунги глобаллашув даврида халқимиз маънавиятига мос ахборот ресурсларини яратиш масаласи жуда муҳим саналади. Бу борада ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам қатор мақсад-вазифалар белгиланган. Жумладан, ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш, уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш, миллий ахборот тизимлари ва ресурслари, айниқса, Интернет тармоғининг миллий сегментларини ривожлантириш масаласига кенг ўрин берилган. Зотан, фақатгина миллий ахборот ресурслари, миллий маънавиятни юксалтиришга хизмат қиладиган сайтлар, тармоқлар яратиш ва ривожлантириш орқали ёшларни Интернетнинг салбий оқибатларидан асраш мумкин.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Танлов

Солиқ билимдонлари аниқланди

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда ёшларнинг солиқ қонунчилиги соҳасидаги билимларини янада мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларини ривожлантириш, уларни Асосий қомусимиз, Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш ҳамда рағбатлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган "Солиқ билимдонлари — 2016" кўрик-танлови ҳам ана шундай эзгу мақсадга қаратилди. Танловнинг мамлакат босқичида бу жиҳатлар яна бир бор ёрқин намоён бўлди.

Танловнинг очилишига оид тадбирда Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Эркин Гадоев, "Камолот" ЁИҲ марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова ва бошқалар истиқлол йилларида солиқ соҳасини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳоли фаровонлигини юксалтириш, хўжалик фаолиятини юритиш шартларини яхшилаш ва ижтимоий лойиҳаларни рағбатлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Танловнинг ҳудудий босқичларида 79 олий ўқув юрти жамоаси қатнашди. Кўрик-танлов ёшларнинг солиқ қонунчилигига оид билимини мустаҳкамлаш, уларни солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти тўғрисида хабардор қилишга ёрдам бераётир.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг чиқишларини баҳолашда мамлакатимизда шакллантирилган қулай ишбилармонлик муҳити, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган шарт-шароитлар, солиқ имтиёз ва преференциялари, истеъмолчилар ҳуқуқлари кафолатлари хусусидаги билимларига алоҳида эътибор қаратди.

Тўрт шарт бўйича беллашган 8 жамоа орасидан Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг "Аудитор" жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг "Қолқанат" жамоаси иккинчи, Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг "Ўлпон" жамоаси учинчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолиб жамоалар, фаол иштирокчилар диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Т. АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Латвия парламенти

бир палатали бўлиб, сайловгача 21 ёшга тўлган мамлакат фуқароси депутат этиб сайланиши мумкин

Латвия Республикаси — Европанинг шимоли-ғарбида, Болтиқ денгизи бўйида жойлашган давлат. Ҳудуди 64,589 минг квадрат километр. Латвия шимолдан Эстония, шарқдан Россия, жануби-шарқдан Беларусь Республикаси билан чегарадош. Аҳолиси — 1,9 миллион. Пойтахти — Рига шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 26 туман (rajons)га бўлинади. Расмий тили — латиш. Давлат бошлиғи — Президент. Уни парламент тўрт йил муддатга сайлайди. Ижро ҳокимиятини Вазирлар Маҳкамаси, қонун чиқарувчи ҳокимиятни эса бир палатали парламент (Сейм) амалга оширади. Латвия 2004 йилдан бошлаб Европа Иттифоқининг аъзоси. Пул бирлиги — евро.

Парламентда умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин ҳамда пропорционал сайлов тизими асосида тўрт йил муддатга сайланадиган юз депутат фаолият юритади. Сайловгача 21 ёшга тўлган мамлакат фуқароси депутат этиб сайланиши мумкин. Парламентга сайлов октябрь ойининг биринчи шанбасида ўтказилади. Ноябрь ойининг биринчи сешанбасида эса янги сайланган депутатларнинг илк мажлиси бўлиб ўтади.

Сайловчиларнинг ўндан бир қисми ташаббуси билан Сеймни тарқатиб юбориш бўйича референдум ўтказилиши мумкин. Референдумда сўнгги парламент сайловида иштирок этган сайловчиларнинг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда парламент тарқатиб юборилади. Парламентни тарқатиш бўйича референдум ўтказиш ташаббуси депутатлар янги таркиби фаолиятини бошлаган илк ҳамда ваколати тугашининг сўнгги йилида илгари сурилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, Президентнинг ваколат муддати тугашига олти ойдан кам вақт қолганида ҳам референдум ўтказилмайди. Сайловчилар парламентнинг алоҳида аъзоларини чақиртириб олиш ҳуқуқига эга эмас.

Парламент мажлислари Рига шаҳрида ўтказилади ва унга Сейм раиси бошчилик қилади. Сейм раис, икки ўринбосар ҳамда котибдан иборат ўзининг президиумини сайлайди. 2014 йилдан буён Инара Мурниеце Сейм раиси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Парламент янги таркибининг илк мажлисини Сеймнинг аввалги раиси ёки президиум қарори билан парламентнинг бошқа аъзоси очиб беради. Депутатлар парламент мажлисида қасамёд қабул қилганидан сўнг ўз вазифаларини бажаришга киришадилар. Сейм президиуми сессияларни чақиради, одатий ва навбатдан ташқари мажлисларни белгилайди. Президент, Бош вазир ёки депутатлар таркибининг учдан бир қисми талаб қилганида, президиум парламент йиғилишини чақириши шарт.

Сейм ўз ички тартиб-қоидалари юзасидан регламент қабул қилади. Парламент мажлислари латиш тилида олиб борилади. Сейм йиғилиши очиқ-ошкора тарзда бўлиб ўтади. Президент, ҳукумат раҳбари ҳамда йиғилишда ҳозир бўлган депутатларнинг камида учдан икки қисми ташаббуси билан ёпиқ мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин. Парламент мажлислари депутатлар таркибининг камида ярми ҳозирлигида ўтказилади.

Парламент комиссияларни тузади, уларнинг сони ва вазифаларини белгилайди. Комиссия вазирлар ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларидан ўз фаолияти учун зарур маълумотларни сўраш, уларнинг ўз мажлисларида иштирок этишини талаб қилишга ҳақли. Парламент аъзоларининг камида учдан бир қисми талаби билан тафтиш комиссиялари тузилиши мумкин. Сейм Бош вазир ёки вазирларга сўров юбориш ҳуқуқига эга. Бундай сўровларга ўз вақтида жавоб қайтарилиши шарт. Парламент ёки унинг комиссияси талаб қилганида ҳукумат раҳбари, вазирлар тегишли ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Парламент аъзолари ўз ваколатини амалга ошираётган пайтда мажлисда билдирган фикрлари, берган овозлари учун жавобгарликка тортилиши, Сейм қарорисиз қамоққа олиниши, уларга нисбатан тинтув ўтказилиши мумкин эмас. Парламент аъзоси фақат жиноят жойида қўлга олиниши мумкин. Тегишли ҳуқуқ тартибот органлари бу ҳақда 24 соат ичида Сейм раисини хабардор қилиши керак. Сейм розилигисиз депутатларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиши ёки жарима солиниши мумкин эмас.

Президент, Вазирлар Маҳкамаси, парламент комиссияси, Сеймнинг камида беш депутати қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Қолаверса, сайловчиларнинг ўндан бир қисми ташаббуси билан ҳам қонун лойиҳаси илгари сурилиши мумкин. Сейм ҳар йили янги хўжалик йили бошланиши олдидан Давлат бюджети лойиҳасини қабул қилади ва уни Вазирлар Маҳкамасига киритади. Парламент бюджетда назарда тутилмаган сарф-харажатлар юзасидан қарорни уни қоплаш манбаини кўрсатган ҳолда қабул қилиши шарт.

Президент парламент қабул қилган қонунни камида ўн кун, узоғи билан йигирма кун ичида имзолаши керак. Президент имзолаган қонун ўн тўрт кун ичида кучга киради. Президент парламент тақдим этган кундан бошлаб ўн кун ичида қонунни қайта кўриб чиқиш учун Сеймга қайтаришга ҳақли. Агар парламент қонунни қайта маъқулласа, Президент бошқа унга эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлмайди. Президент қонун эълон қилинишини икки ойга кечиктириш ваколатига эга. У Сейм аъзоларининг камида учдан бир қисми талаби билан ҳам қонуннинг эълон қилинишини тўхтатиб туриши мумкин. Буни фақат парламент қонунни қабул қилганидан сўнг, ўн кун ичида амалга ошириш мумкин. Эълон қилинмаган қонун депутатлар корпусининг камида учдан бир қисми талаби билан умумхалқ овозига қўйилиши мумкин. Агар икки ой ичида бундай талаб билан чиқилмаса, бу муддат ниҳоясига етиши билан қонун эълон қилиниши шарт.

Сейм қонунни иккинчи бор қабул қилган тақдирда, умумхалқ овозига қўйилмайди. Парламент қабул қилган қонуннинг эълон қилиниши кечиктирилиб, умумхалқ овоз берилиши амалга оширилса-ю, унда сўнгги парламент сайловида иштирок этган сайловчиларнинг камида ярми иштирок этиб, уларнинг аксарияти қонунни бекор қилиш юзасидан овоз берса, қонун қабул қилинмаган ҳисобланади.

Парламент мажлисида депутатларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганида Конституцияга ўзгартиш киритилиши мумкин. Ўзгартиш уч ўқишда, мажлисда қатнашувчи депутатларнинг камида учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади. Сайловчиларнинг камида ўндан бир қисми мамлакатнинг Асосий қонунига ўзгартиш киритиш лойиҳасини Президентга тақдим этиш ҳуқуқига эга. Президент ушбу лойиҳани Сеймга тақдим этади. Агар парламент уни қабул қилмаса, Конституция лойиҳаси умумхалқ овозига қўйилади. Сайлов ҳуқуқига эга фуқароларнинг ярмидан кўпи уни маъқуллаб овоз берса, Конституциянинг янги лойиҳаси қабул қилинган ҳисобланади.

Сайловга қадар 18 ёшга тўлган мамлакат фуқароси парламент сайловида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Парламент сайловларига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ташкилий ишларни Марказий сайлов комиссияси амалга оширади. У доимий асосда фаолият олиб борадиган тўққиз аъзодан иборат таркибда шакллантирилади. Марказий сайлов комиссиясининг раиси ва унинг етти аъзоси парламент, бир нафари эса Олий суд пленумида судьялар орасидан сайланади. Марказий сайлов комиссияси ўзининг илк мажлисида яширин овоз бериш йўли билан раис ўринбосари ва котибини сайлайди.

Латвияда сўнгги парламент сайлови 2014 йил 4 октябрда ўтказилди. Сайловда жами 13 партия иштирок этди. Унда парламентдан 24 ўринни қўлга киритган "Келишув" партияси ғалаба қозонди. Иккинчи ўринни 23 мандат билан "Бирлик" партияси қўлга киритди. "Яшиллар" ва "Деҳқонлар иттифоқи" эса 21 ўрин билан учинчи бўлди.

Рангин дунё

Дунёга машҳур Версаль саройи Париж шаҳридан 17 чақирим узоқликда, шу ном билан аталувчи шаҳарчада жойлашган. Муҳташам иншоот 1682-1789 йилларда Франция қироллари қароргоҳи бўлган. 1801 йилда сарой музейга айлантирилди ва сайёҳлар учун очиб қўйилди. Бу сарой нафақат Франция, балки жаҳон аҳамиятига молик кўплаб оламшумул воқеаларга ҳам гувоҳ бўлган. Хусусан, бу ерда 1789 йилда Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинган. Қолаверса, Биринчи жаҳон урушининг тугагани ҳақидаги 1919 йилги тинчлик шартномаси ҳам ушбу саройда имзоланган.

Версаль — салобатли ва улуғвор сарой

Версаль саройининг тарихи 1623 йилда ғишт ва тошдан мўъжаз қаср қурилишидан бошланган. Ушбу сарой ҳозирги Версалнинг мармар тўшалган ҳовлисида қад кўтарган. Унинг узунлиги — 24, эни 6 метрни ташкил этган. Париж архиепископидан ер сотиб олиниши билан сарой атрофи янада кенгайтирилади. 1661 йилдан қирол Людовик XIV бу ерни ўз қароргоҳига айлантириш учун саройни кенгайтиришга қарор қилади. Бу ишга ўз замонасининг машҳур меъмори Луи Лево, боғбон Андре Ленотр ҳамда рассом Шарль Лебрен жалб қилинади. Бино классицизм услубида қайта қад ростлайди. Кўп сонли деразалар, устунлар саройга ўзгача салобат бағишлади. 1715 йилда қирол вафотидан сўнг унинг беш ёшли вориси Людовик XV ва унинг оиласи Парижга кўчиб ўтади.

1717 йилда рус императори Пётр I Парижга ташрифи чоғида Версаль саройи таркибига кирувчи иншоот — Катта Трианон унда қизиқиш уйғотади. У мазкур ташрифдан унумли фойдаланиб, сарой ва бу ердаги хиёбоннинг қурилиши билан боғлиқ маълумотларни обдон ўрганади. Кейинчалик эса Фин кўрфазида жойлашган, Санкт-Петербург шаҳри яқинидаги Петергоф саройи қурилишида ана шу лойиҳадан фойдаланади.

1722 йилда қирол Людовик XV яна Версалга қайтишга қарор қилади. Унинг бошчилигида муқаддам бошланган, бироқ кейинчалик тўхтаб қолган саройнинг иккинчи қаватида жойлашган заллар, шунингдек, саройнинг Кичик Трианон қисми қуриб битказилади. Бу даврда сарой хиёбонига айтарлик ўзгартириш киритилмади. Людовик XV ташаббуси билан хиёбонда Нептун ҳовузи бунёд этилди, холос. Қирол умрининг охирларида меъмор Габриэль маслаҳати билан саройнинг ички ҳовлисида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилади. Қурилиш ишларига жами 25,7 миллиондан зиёд ливр маблағ ажратилади(1 ливр — 409 килограмм кумушга тенг). Бу маблағ 1701 йилгача, яъни сарой қурилиши тугагунига қадар сарфланди.

Сарой атрофида Версаль шаҳри қад ростлаб, тобора кенгайиб борди. Бу пайтга келиб шаҳар аҳолиси 100 мингдан ошади. Кейинчалик тахтга ўтирган қирол Людовик XVнинг Париж шаҳрига кўчиб ўтиши билан Версаль мамлакатнинг маъмурий ва сиёсий маркази мақомидан маҳрум бўлади. 1799 йилда ҳокимият тепасига келган Наполеон Бонапарт саройни ўз тасарруфига олди. 1806 йилда у меъмор Жак Гондуэнга Версаль саройини қайта тиклаш режасини ишлаб чиқишни топшириди. Шу тариқа 1808 йилдан яна таъмирлаш ишлари бошлаб юборилади. 1811-1812 йилларда ҳам императорга саройни қайта тиклаш бўйича турли режалар тақдим этилди. Бироқ 1815 йилда Наполеон ҳукмронлиги барҳам топиши билан бу иш амалга ошмай қолди. Ундан кейинги ҳукмдор Луи-Филипп даврида саройнинг кўплаб зал ва хоналари таъмирланади. Саройга бюстлар, портретлар ва бошқа санъат асарлари жойлаштирилади ва у чинакам музейга айланади.

Бугун муҳташам сарой музей сифатида хизмат қилмоқда. Унда қироллик даврига оид ноёб тарихий буюмлар сақланади. Версаль саройи ҳовлисидаги боғ эса нафақат Франция, балки Европадаги энг йирик ва ноёб хиёбондир. Бу ерда бир-биридан чиройли турли манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилган. Сарой ҳовлисидан ўрин олган канал ва фавворалар, айвону ҳовузлар унга ўзгача фусункорлик ва салобат бағишлайди. Хиёбон ҳудудида жойлашган Кичик Трианон, Катта Трианон, Француз павильони сингари сароймонанд иншоотларни ҳам томоша қилиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, сарой мамлакатнинг чинакам рамзларидан бирига айланган. Уни томоша қилиш учун ҳар йили дунёнинг турли минтақаларидан миллионлаб сайёҳлар ташриф буюради.

1979 йилда Версаль саройи ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Дарё яна ўзанига қайтмоқда

Франция Сена дарёси суви сатҳи меъёрдан ошиқ бўлган 6 метрли даражадан пастга тушди. Яқин кунларда кутилаётган ёмғирлар бунга халақит бермайди ва янги тошқинларга сабаб бўлмайди. Бу ҳақда Франция тошқинларни кузатиш давлат хизмати маълум қилди, дейилади РАТА-ТАСС тарқатган хабарда.

Ўтган ҳафта ёққан кучли жала туфайли Франция марказий минтақаларида сув тошқини келиб чиққан эди. 2 июндан бошлаб Париж ва унга ёндош минтақа ҳудудларида иқлимий хавфнинг энг юқоридан олдинги — "тўқ сариқ" даражаси эълон қилинди. Маълумотларга кўра, Сенанинг ўзанига қайтиши учун яна икки ҳафта вақт талаб этилади.

Эслатиб ўтамиз, тошқинлар оқибатида 4 киши ҳалок бўлди, 24 киши жароҳатланди.

14 минг йиллик қоятош расмлари

Испаниянинг Бискайя вилоятидаги ғорлардан бирида қадимий қоятош расмлари топилди. Бу ҳақда РАТА-ТАСС орқали археолог Диего Гарате хабар тарқатган.

Археологнинг айтишича, қояларда бундан тахминан 14 минг йил олдин чизилган жами 70 расм акс этган. Бироқ унга етиб бориш анча қийин. Сабаби, расмлар ғорнинг 300 метр ичкари қисмида жойлашган. Қояларда бизон, эчки, буғу ва бошқа ҳайвонларнинг тасвири акс эттирилган. Қадимшуноснинг айтишича, тадқиқот ишлари давом эттирилади. Бироқ сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларнинг ғор ичига киришига рухсат берилмаяпти.

Автомобиллар устидан ҳаракатланувчи автобус

Автомобиль йўлларидаги тирбандлик муаммоси ҳамма жойда турлича ҳал қилинмоқда. Хитойлик муҳандислар мегаполис шаҳарларда бундай муаммога ечим бўла оладиган лойиҳани тақдим этди, дейилади "techcult.ru" сайтида.

19-халқаро Пекин техника кўргазмасида 1,2 минг йўловчига мўлжалланган ноодатий автобус-туннель намойиш этилди. Бироқ уни тўлиқ автобус деб бўлмайди. У ҳам автобус, ҳам трамвайдир. Унинг юқори қисмидан йўловчилар салони жой олган. Ости эса туннель шаклида ишланган. Автобус рельсга бириктирилгани учун автомобиллар унинг остидан бемалол ҳаракатлана олади.

Лойиҳа муаллифларининг айтишича, ушбу мажмуа шаҳар йўлларидаги тирбандлик муаммосига қисман ечим бўла олади. Шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб уни мамлакат шаҳарларидан бирида синовдан ўтказиш режалаштирилмоқда.

3D-принтерида тайёрланган мотоцикл

Германияда жойлашган "APWorks" компанияси 3D-принтерида "Light Rider" мотоциклини ишлаб чиқарди. Бу ҳақда "techcult.ru" хабар тарқатган.

Лойиҳа муаллифларининг айтишича, мотоцикл корпуси алюминий сингари енгил, титан каби мустаҳкам махсус қотишмадан тайёрланган бўлиб, коррозияга ўта чидамлидир. Мотоциклнинг оғирлиги — 35 килограмм. "Light Rider"ни кучли электр мотор ҳаракатга келтиради. Максимал тезлиги — соатига 80 километр, нархи — 57 минг доллар атрофида.

Саҳифани "Milliy tiklanish" муҳбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади

MILLIY TIKLANISH
22 (394) 2016 йил 8 июнь, чоршанба

Халқ дасталари

“Гулёр”

анъана ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилмоқда

Истиқлол шарофати билан халқимиз маънавий меросини ўрганиш, эзгу анъана ва қадриятларни асрабавайлаш, ёш авлод маънавиятини юксалтиришда улардан кенг фойдаланиш, хусусан, халқимизнинг номоддий маданий мероси бўлган фольклор асарларини тўплаш ва кенг тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзининг мазмуни, тарбиявий аҳамияти ва умрбоқийлиги билан ажралиб турувчи фольклор санъати халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқараши, руҳий-эстетик олами, ички кечинмаларини содда ва юксак бадиий ифода эта олган азалий қадриятдир.

Халқ оғзаки ижоди намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштиришда халқ дасталарининг ўрни ва ҳиссаси катта. Бўстонлиқ тумани маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошида ташкил этилган “Гулёр” фольклор-этнографик халқ дастаси ана шундай жамоалардан бири.

— “Гулёр” фольклор-этнографик халқ дастаси ҳақида гап кетганда, аввало, Бўстонлиқ тумани тарихи, маданиятини, мусиқа фольклори намуналарини тўплашда муносиб ҳисса қўшган Лазокат Нуримова ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир, — дейди жамоа раҳбари Дилноза Каримова. — Унинг саъй-ҳаракатлари билан “Гулёр” халқ этнографик дастаси қошида кичик музей ҳам ташкил этилган. Бу ерда дастанинг кўп йиллик меҳнатлари самараси — видео ва фотоматериаллар, мусиқа аудио ёзувлар сақланади. “Гулёр” репертуари кенг бўлиб, ундан турли йўналиш ва жанрлардаги қўшиқлар жой олган. Хусусан, “Ғазалкент ёр-ёри”, “Бўстонлиқнинг созиман”, “Хўжакент ёр-ёри”, “Гулёр”, “Отам”, “Келин-куёв”, “Бойчечак” каби қўшиқлари ўзининг оригиналлиги, ҳамма учун тушунарли экани, завқлилиги, сўз ва мусиқа мутаносиблиги билан ажралиб туради. Қўшиқларнинг матнини ансамбль қатнашчилари ёзиб келган бўлиб, ҳозир ҳам бу анъана бардавом. Бундан ташқари, таниқли шоирлар ижоди ва халқ сўзларидан ҳам унумли фойдаланилаётир. Даста аъзолари мусиқа асбобларидан асосан доира ва қайроқи жўрлигида куйлаб келмоқда.

Ана шундай халқ лапарларидан бири доира билан куйланадиган “Хуш келдингиз” қўшиғи:

Бу уйга сиз хуш
келдингиз,
Умрингиз бўлсин дароз.
Ризқингиз бўлсин фароғ,
Тан сиҳат, давлату
фарзанд
Кўринг, хўп яшанг,
Эй азиз, фарзандижон,
Бу кунга сиз хуш
келдингиз.

— Бунда келинчакка айтилаётган яхши тилаклар равон, содда ва жозибали сўзлар билан ифодаланган, — дейди Д.Каримова. — Тилдан-тилга кўчиб келаётган халқ қўшиқлари кенг оммага, айниқса, ёшлар ўртасида анъаналаримизни намойиш қилиш билан бирга, она тилимизнинг гўзаллиги ва жозибасини ҳам ифода этади.

Ҳар бир фольклор-этнографик жамоанинг ўзига хос кийиниш услуби мавжуд. Жумладан, “Гулёр” жамоасида ҳам бундай ўзига хосликка алоҳида эътибор қаратилади. Йигирма беш онахон атлас кўйлак, қалами камзул кийимда, заррин дурачаларини пешоналарига тақиб, саҳнага чиқадилар.

Ўз ҳудудининг ўзига хос жиҳатларини кенг оммага тақдим этиб келаётган “Гулёр” халқ этнографик дастаси турли байрам ва тадбирларда иштирок этиб келаётир. Хусусан, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг “Оналар куйлаганда”, вилоят миқёсида бўлиб ўтадиган байрам тадбирларида, фестивалларда ансамбль жамоаси жарчилар, Баҳорой, Қишбобо, Наврўзой, Деҳқонбобо каби образларни ўзига хос тарзда намойиш этади. Жамоа фестиваллар доирасида бўлиб ўтадиган касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг турли тадбирларида доимо жонбозлик кўрсатади. Яъни, ўзбек миллий ошхонаси таомларини кенг тарғиб этиш, ушбу таомлар тўғрисидаги маълумотларни ёшлар онгига сингдириш мақсадида “Миллий таомлар кўргазмаси”, “Ош танлови”, ёшларни маънавий-маданий мерос ва қадриятларга бўлган ҳурматини ошириш мақсадида “Қадриятлар менинг нигоҳимда”, “Расмлар танлови” ҳамда “Менинг ижодим” кўргазмаларини ташкил қилишда фаол иштирок этмоқда. Бундан ташқари, миллий этнографик, фольклор санъати бўйича иқтидорли ёшларни аниқлаш, қадимий урф-одатларимизни намоён этувчи ашула ва лапарлар билан ёшларни яқиндан таништириш ҳамда миллий меросимизни келажак авлодларимиз онгида тўлиқ шакллантириш мақсадида “Айтишувлар” ташкил этилаётир. Зотан, бундай тадбирлар халқимизнинг маданий мероси улуғворлигини намоён этиш билан бирга, уни халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш, ёшларда Ватанга садоқат ва миллий ғурур туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади. Бунда “Гулёр” фольклор-этнографик халқ дастасининг ҳам муносиб ўрни ва улуши бор.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Миллий қадрият

Ўзбек халқ қўшиқларини ўрганиш ва тарғиб қилиш ёшларимизни миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Бу борада мустақиллик йилларида мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилди. Хивада ташкил этилган “Халфачилик: анъана ва замонавийлик жиҳатлари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман ҳамда халфа қўшиқлари ижрочиларининг биринчи республика кўрик-танлови ҳам ана шундай мақсадлар рўёбига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қадимий халқ санъати

қайта тикланмоқда

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ташаббуси билан “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг дунёқараши ва тафаккурини юксалтиришда номоддий маданий мерос намуналаридан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори бой маънавий меросимизни кенг ўрганиш ва тарғиб қилишда муҳим асос вазифасини ўтамоқда.

Анжуманда пойтахтимиз ва юртимизнинг турли вилоятларидан келган олимлар, ёш тадқиқотчилар, мутахассислар иштирок этди.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда халфачилик санъатининг пайдо бўлиши антик даврларга бориб тақалади. Қўйқирилган қалъа ҳамда Тупроққалъа ёдгорликларидан топилган ҳайкалчалар ва тасвирларда аёл созанда ва хонандалар акс этган. Ушбу ашёвий далиллар халфачиликнинг пайдо бўлиш тарихи камида 2 минг йилдан зиёд эканини тасдиқлайди.

— Хоразм халфачилик санъати ўзлигимизни, аждодларимизнинг санъатга бўлган муносабатини намоён қилувчи қадриятлардан биридир, — дейди Хоразм вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Шокир Мадаминов. — Бу йўналиш Хоразм қўшиқчилик санъатида алоҳида ўрин тутиб, халфалар асосан, эпик асарлар, терма ва лапарларни ўзига хос усулда куйлаб келган. Қўшиқчиликнинг бу йўналиши аёллар орасида кенг тарқалган ва шу йўналишда қўшиқ айтадиганлар халфа дейилган. “Халфа” сўзи турли даврларда турли шаклларга эга бўлиб, “куйловчи”, “етакчи” маъноларини англатади.

Илмий-амалий анжумандан сўнг очиқ осмон остидаги музей — Ичан қалъада халфа қўшиқлари ижрочиларининг биринчи республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда халфачилик санъатини ардоқлаб келаётган жуда кўплаб истеъдод эгалари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Таниқли санъаткорлардан иборат ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг чиқишларини баҳолаб борди.

— Ватанимизни улуғлайдиган, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни ўзида мужассам этган номоддий маданий меросимиз дурдоналаридан бири ҳисобланган халфачилик санъатини янада оммавийлаштиришга муносиб улуш қўшиш эзгу мақсадимдир, — дейди хивалик Зумрад Мадримова. — Чунки, аждодларимиз яратган санъатда халқимизнинг ўзлиги акс этади. Ёшларимиз онгига санъатимизнинг бунёдкорликка, эзгуликка чорловчи кучини сингдириш, уларда ўзликни англаш туйғусини юксалтириш маънавий тарбиянинг ажралмас қисмидир.

Халфа қўшиқлари ижрочиларининг биринчи республика кўрик-танловида Хива туманидан Зумрад Мадримова биринчи ўрин, Пошшажон Иброҳимова ҳамда Раъно Ортоберганова иккинчи ўринни эгаллади, Шовотлик Истаргул Бекманова, урганчлик Санобар Қиличева, хивалик Матлуба Отажонова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ташкилотчилар ғолибларни муносиб тақдирлади.

Алишер РАҲМОН,
“Milliy tiklanish” мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Ўрик — серсув ва хуштаъм мева

Ўрик ўзининг бетакрор таъми билан барчага хуш ёқади. Уни сархиллигида, қайнатиб, қолаверса, қуритилган ҳолда ҳам истеъмол қилиш мумкин. Бу мева нафақат хуштаъмлиги, балки шифобахшлиги билан ажралиб туради. Уй бекалари ўрик мевасидан шарбат ва мураббо тайёрлайди. Ундан озуқа ҳамда дори сифатида ҳам кенг фойдаланилади. Юрак-қон томир ва ошқозон-ичак касаллигига чалинган ёки ортиқча вазндан азият чекувчи кишилар бу мевадан кўпроқ истеъмол қилишлари лозим.

Ўрик гиповитаминоз, авитаминоз ва камқонликда яхши ёрдам беради. У, шунингдек, саратон хасталигида ҳам фойдали. Бу ажойиб, иштаҳа очувчи мева организмнинг турли хасталикларга қарши курашиш қобилиятини оширади ва организмнинг ҳаётий муҳим функцияларини қайта тиклайди. Ўрик парҳезбоп мева бўлиб, дунё диетологлари уни моддалар алмашинуви ва овқат ҳазм қилиш жараёни учун фойдали маҳсулот, деб ҳисоблайди. Унинг таркибида темир моддаси кўп. Ўрик магний ва фосфорга бой бўлгани учун мия фаолиятини яхшилайди. Унинг таркибидаги магний юқори қон босимини мўътадиллаштиришда ҳам яхши самара беради.

Бундан ташқари, ўрик таркибида инулин, олма, лимон ва узум кислотаси ҳамда организмдан ортиқча холестерин ва заҳарли моддаларни чиқариб ташловчи крахмал ва пектин мавжуд.

Ўрик шарбати ҳам шифобахш бўлиб, мевасига қараганда енгил ҳазм бўлади. Бу шарбат ҳомиладор аёллар, қолаверса, болалар учун жуда фойдали. Чунки у кўп миқдорда калций тузлари ҳамда темир моддасига эга. 150 грамм ўрик шарбати организмнинг каротинга бўлган кунлик эҳтиёжини қондириши мумкин. Янги узилган ўрик меваси ўрнини унинг қоқиси ҳам боса олади.

Халқ табобатида ўрик мевасидан тайёрланган қайнатмадан пешоб ҳайдовчи, қон босимини туширувчи, қонни кўпайтирувчи ва бошқа мақсадларда кенг фойдаланилади. Меъда-ичак касалликлари (қабзият, гастрит), сариқ (гепатит) касаллигининг ўткир тури билан оғриган беморлар уни камроқ истеъмол қилмоғи мақсадга мувофиқ.

БИЛАСИЗМИ?

- **Пара шаҳри (Бразилия)да одамлар ёмғир ёғишига қараб соатларини тўғрилаб олишлари мумкин. Чунки ёмғир у ерда ҳар куни бир хил вақтда ёғади.**
- **Дунё миқёсида энг катта ўзанга эга дарё — Ганга.**

ТУРФА ОЛАМ

Оилабоп велосипед

Исроилнинг “Taga bikes” компанияси ишлаб чиқарган болалар аравачасига эга велосипеднинг янги кўриниши “Kickstarter” сайтида кутилмаган муваффақиятга эришди.

Атиги бир неча кун ичида бу ихтиро миллион доллардан ортиқ маблағ тўплай олди. “Taga 2.0” муаллифлари велосипед отаоналар ва болаларга ёқиши учун астойдил ҳаракат қилган. Уч ғилдиракли модель тезда йиғилади ва машина юкхонасига ҳам сиғиши мумкин. Аравача ичида болалар учун иккита ўрин мавжуд.

Шунингдек, ундан дўконларга борганда харидларни олиб юриш учун ҳам фойдаланса бўлади. Фақат жойлаштириладиган юкларнинг оғирлиги 70 килограммдан ошмаслиги керак.

Ишлаб чиқарувчилар болаларни қуёш ва ёмғирдан ҳимоя қилувчи катта чойшаб, сув идиши, смартфон ва бошқа буюмлар учун универсал тутқич, ёш болалар учун хавфсизлик камарига эга автомобиль креслоси мавжуд турли нархлардаги махсус аксессуарларга эга моделларни ҳам таклиф қилмоқда.

“Taga 2.0” велосипедини аввалдан буюртма бериш орқали 649 долларга харид қилиш мумкин. Электрон шаклдаги велосипеднинг нархи қарийб 1,2 минг доллар.

Ғаройиб офис

Дубайда 3D-принтер ёрдамида барпо этилган илк офис биноси фаолият кўрсатишни бошлади.

Бино шаҳар марказида, Дубай халқаро молия маркази яқинида жойлашган. У “Келажак офиси” (Office of the Future) деб номланди. Мазкур офис лойиҳа ташаббускори Дубай келажак фонди ташкилотининг вақтинчалик бош қароргоҳига айлантирилди.

Бир қаватли бинонинг майдони қарийб — 250 квадрат-метр. Мажмуа мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида унинг томи юмалоқ шаклда ясалди. Бинода одамлар ишлаши учун барча шароит яратилган: унга электр токи, телекоммуникация, сув таъминоти ўтказилган ва ҳавони кондициялаш тизими ўрнатилган.

Иншоотни қуриш учун баландлиги — 6, узунлиги — 37, эни 12 метрли 3D-принтеридан фойдаланилди. Қурилишда махсус цемент аралашмаси ҳамда БАА ва АҚШда ишлаб чиқарилган материаллар ишлатилди. Лойиҳа тахминан 140 минг долларга тушди. Уни 19 кишидан иборат жамоа барпо этди.

Ш.ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Фестиваль

Болалар шод, катталар мамнун

Ўзбекистон қўғирчоқ театрларининг X анъанавий республика кўрик-фестивали вилоят қўғирчоқ театрининг янги биноси очилишига уланиб кетди

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва соғлом бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилаётир. Жорий йилда бу саъй-ҳаракатлар кўлами янги босқичга кўтарилди.

Буни “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида болажонлар учун ташкил этилаётган тадбирлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Андижон вилоятида бўлиб ўтган Ўзбекистон қўғирчоқ театрларининг X анъанавий республика кўрик-фестивали ҳам ана шу эзгу ишлар натижасидир. Ушбу анъанавий фестиваль Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида мамлакатимизда театр санъатини ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётгани, мазкур фестиваль ҳам Ватанимиз мустақиллиги, тинчлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик ва миллий қадриятларимиз тараннум этилган саҳна асарларини тарғиб қилиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, бадиий жамоалар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, ёш томошабинларни қўғирчоқ театри санъатининг энг яхши намуналари билан таништиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Андижон вилоят қўғирчоқ театри янги биносининг фойдаланишга топширилиши фестивалга уланиб кетганида ҳам теран маъно бор. Зеро, эзгулик ва бунёдкорлик тараққиётга йўл очади, яхшиликнинг мукофоти эса фақат яхшиликдир.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида ишга туширилган икки қаватли ушбу бинони Андижон

шаҳридаги “Бунёдгарандсервис” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари замонавий архитектура асосида бунёд этишди. Бинонинг биринчи қаватида қаҳвахона, 300 ўринли томоша ва машғулотлар ўтказиш заллари, санъаткорлар учун хизмат хоналари, қўғирчоқлар тайёрланадиган махсус устахона, тикув цехи, кийиниш, ювиниш хоналари, иккинчи қаватида эса маъмурий хоналар жойлашган. Бинонинг олд томонида байрам тантаналари ўтказишга мўлжалланган кенг майдон барпо этилган. Болалар учун аттракционлар ўрнатилган. Гулзор ва манзарали дарахтлар хиёбонга ўзгача кўрк-тароват бахш этган.

— Андижонлик болажонларга туҳфа этилган бу иншоотнинг таъбир жоиз бўлса, муқобили йўқ, десак муболаға эмас, — дейди вилоят қўғирчоқ театри директори Бекзод Курбонов. — Бу, айниқса, драматурглар, режиссёрлар, қўғирчоқ театри актёрлари, хуллас, барча маданият, адабиёт ва санъат ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Бадиий пишиқ асарлар ёзиш, саҳналаштириш ва маромида ижро этиш болажонларда дунёни англаш, ҳамиша эзгу ишларда камарбаста бўлишдек инсоний фазилатлар шаклланишига ёрдам беради. Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан боғлиқ.

Беш кун давом этган фестивал катталар учун ҳам, болалар учун ҳам чинакам маънавият байрами бўлди. Мамлакатимиздаги ўн қўғирчоқ театри жамоаларининг энг сара асарларини томошабинлар ва нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Ҳар бир вилоят қўғирчоқ театри ўз спектаклини аввал янги бинода, сўнгра вилоятнинг олис туманлари саҳналарида намойиш этишди.

Танловга қўйилган ҳар бир спектакль халқимиз тарихини, қадриятларини, миллий менталитетимизга хос урф-одатларимизни бола тафаккурига мос тарзда тарғиб қилди. Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби аллома бобокалонларимиз, Широқ, Насриддин Афанди сингари халқ қаҳрамонлари ҳақидаги спектакллар томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

— Фестивалда намойиш этган асаримизда мен Ал-Хоразмий ҳамда Юлдуз образларига овоз бердим, — дейди Фарғона қўғирчоқ театри актёри Аъзамжон Раҳмонов. — Шарқ уйғониш даври вакилларидан бўлган Аҳмад Фарғоний бобомизнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишган болаларнинг мактабда фақат аъло баҳоларга ўқишига ишонаман. Ўз хокисорлиги билан буюклик поғонасига кўтарилган мутафаккир бобомиз ҳақидаги бу асарда чинакам камтарин қалб эгалари образлари яратилган. Асар болажонларгагина эмас, балки улар билан бирга театр томошасига келган ота-оналарга ҳам бирдай манзур бўлди.

Фестиваль доирасида қўғирчоқ театрлари фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Драматурглар билан театр жамоалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бадиий етук асарлар яратиш, бунда бугунги тезкор давр болаларининг дунёқараши, орзу-интилишларини инобатга олиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Замира РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САЙДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 625, Адади — 9380. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Муҳтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Ҳасан САЛОМОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.10.
ЎзА якуни — 21.30.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345